

ЎБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

**БУХОРО ОЗИК-ОВКАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

«М А Р К Е Т И Н Г» кафедраси

«ИКТИСОД НАЗАРИЯСИ» фанидан

М А Ё Р У З А Л А Р М А Т Н И

Б у х о р о – 2 0 0 4 й и л

Муаллиф : доц. Рузиева Д.И.

Такризчилар: Бухоро Давлат Университети
доценти Хамроев Х.Р.
Бухоро ОО ва ЕСТИ институти
Катта уқитувчиси Каримова З.Х.

Бухоро Озик-овкат ва енгил саноат
технологияси институти
«Маркетинг» кафедрасининг декабр
ойидаги 10-сонли мажлиси баёнида
муҳокама қилинган ва уқув
жараёнида фойдаланиш учун

КИРИШ

Хозирги кунда мустакил Ўзбекистоннинг иктисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш асосида ривожлантириш иктисодий билимларни ўрганишга янгича ёндашувларни талаб этади ва унинг ахамиятини оширади.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси тўла ишонч билан Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзининг мустакил тараккиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иктисодиётига ўтиб бормокда. Мустакилликнинг ўтган киска даври ичида иктисодиёт инкироз ҳолатидан чиқарилиб, унинг кўпгина соҳаларида ўсиш бошланди ва унга асос яратилди. Бозор муносабатларининг таркибий қисмлари, инфратузумлари вужудга келтирилди, иктисодиётнинг тармок тузилиши такомиллашиб, ривожлантирилмокда. Энг муҳими, шу давр ичида бозор муносабатлари ҳаётимизга, ҳўжалик фаолиятимизга чуқур кириб бормокда ва унинг янги-янги қирралари намоён бўлиб, кўз ўнгимизда ойдинлашмокда, кишиларда бозор қўникмалари ҳосил бўлмокда.

Бу қўйилган дастлабки қадамларимиз шаклланиб келаётган миллий иктисодимиз янги асрда биз яшамокчи бўлган умумий уйимиз, яъни янгиланаётган ватанимизнинг ҳаётий асосини, унинг келгусидаги тараккиёт манбаини ташкил этади.

Бундай янгиланиш жараёнида биз учун илгари унча таниш бўлмаган қонун-қоидалар, тушунчалар, ҳўжалик юритиш механизмлари, усуллари, тамойиллари кириб келмокда. Мулкдорлар, тадбиркорлар, соҳибкорлар, тижоратчилар, акционерлар, банкирлар, биржа эгалари ва ходимлари, менежерлар, брокерлар ва бошқа бозор иктисодиёти амалиётчиларидан иборат янги ижтимоий гуруҳ ва қатлам шаклланмокда.

Лекин, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари, нутқлари ва турли йигилишларда қилган маърузаларидан бизга шу нарса маълум бўлиб турибдики, эришилган ютуқлар билан бир қаторда ўз ечимини топмаган муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар жуда ҳам кўпдир. Кўпгина қорхоналарнинг зарар қўриб ишлаётганлиги, уларда молиявий аҳволнинг қийинлашиб, банкротга учраётганлиги, майда ва ўрта тадбиркорларнинг, мулкдорлар синфининг секин шаклланаётганлиги, қишлоқда иктисодий ислохотларни амалга ошириш қийинчиликлари, товар, хизмат ва капитал экспортининг секин ўсаётганлиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Агар биз олдимизда “Миллий бойликнинг қўпайишини, Республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб боровчи иктисодиётни барпо этиш”¹ каби буюқ вазифа турганлигини эътиборга олсак, иктисодий муаммоларимиз жуда кўплиги ва мураккаблиги янада аён бўлади.

Ушбу айтилган ва бошқа муҳим иктисодий масалаларни тезроқ ҳал қилиш, уларнинг ечимини излаб топиш қўп жихатдан кишиларнинг иктисодиёт сирларини, айниқса, бозор ва бозор иктисодиёти муносабатларининг мазмунини, уларнинг талабларини ва хусусиятини, қонун-қоидаларини чуқурроқ билишига боғлиқдир. Товар, пул, капитал, ишчи қучи, меҳнат унумдорлиги, бозор, бозор иктисодиёти, талаб ва таклиф, фойда ва зарар, молия, пул муомаласи каби оддий тушунчаларни билмайдиган, улар ўртасидаги боғлиқликни, бир-бирига қўрсатадиган таъсирини, иктисодий жараёнларнинг сабаб ва оқибатларини билмайдиган кишилар, мутахассислар, раҳбарлар қандай қилиб бозор муносабатларининг иштирокчиси, уларни амалга оширувчиси бўлиши мумкин, иктисодий қонунлардан оқилона фойдаланиш мумкин.

Бозор иктисодиётини чуқурроқ билиш бизни унга юзаки, бир томонлама, яъни фақат олди-сотди жараёнидан иборат, деб қарашдан ҳолос қилади, унинг негизида ишлаб чиқаришдаги шакл ва мазмун ўзгариши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ётишини тушуниш имконини беради.

Бозор иктисодиёти сирларини билмасдан туриб, атрофдаги фирмалар, ҳўжаликлар, корпорациялар фаолият қилаётган кишилар, чет эл ҳўжаликлари ва фуқаролари билан иктисодий муносабатда бўлиш, иктисодий алоқага киришиш, бу ҳўжасизликка, даромаддан ҳаражатлар ошиб кетишига, беҳуда сарф-ҳаражатларга охир оқибатда қасодга учраб, ҳонавайрон бўлишига олиб келади.

Иктисодиёт тушунчаларини, унинг қонун-қоидаларини, тежамли ҳўжалик юритиш сирларини, турли кишилар ва ҳўжаликларнинг бир-бирлари билан манфаатли иктисодий алоқада бўлиб, унумли меҳнат қилиш йўлларини ва шакллари иктисодиёт назарияси фани ўргатади.

Бу фан кишиларни иктисодий фикрлашга ўргатади, қонунга ҳилоф бўлмаган ҳолда ҳалол меҳнат ва ўзаро ҳамқорлик йўли билан пул, мол топишга, ҳўжалиқни, мамлақатни юксалтиришга, буюқ аллома Афлатун

¹ Ислоҳ Қаримов. Ўзбекистон буюқ қелажак сари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 17-б.

айтганидек, “Иш билан сўзнинг, тан билан рухнинг бирлигини, яхлитлигини саклаган холда бойликни кўпайтириш йўллари топишга, доимо янгиликка интилишга, уларни тез тушуниб ҳаётга қўллай билишга чорлайди.”

Олий Мажлисида қабул қилинган республикада кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида таълим тизимидаги муҳим камчиликлардан бири сифатида сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг етишмаслиги алоҳида қайд қилинди. Президентимиз И.А.Каримовнинг шу миллий дастур бўйича сўзлаган нутқларида ўқув дарсликларини тайёрлаш олимлар олдида турган шарафли вазифа деб ўқтирди. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари етишмаслиги бўйича олий ўқув юртлари ва коллежлардаги қийин ахволни ҳамда миллий дастурда қўйилган муҳим вазифаларни ҳисобга олиб, биз иктисодиёт назарияси фани бўйича ушбу маърузалар матнини ёзишга жазм қилдик.

Шундай экан, бозор иктисодиётига ўтиш даврини ва умуман ҳозирги замон ҳўжалигини фақат гарбда мавжуд бўлган, лекин бизнинг иктисодий ҳаётимиздан анча узок бўлган иктисодий назариялар билан изохлаб бўлмайди. Шунингдек, бизнинг иктисодий тафаккур тарихимизда узок вақт ҳукмрон бўлган, иктисодий ходисаларни асосан синфий нуктаи назаридан ва синфий кураш жиҳатларидан олиб қараган, иктисодий тараққиётнинг умуминсоний томонлари кейинги ўринга сурган, марксистик сиёсий иктисод қоидаларига асосланиб ҳам бозор ҳўжалиги ва ҳозирги замон иктисодидаги бир қатор ходисаларни изохлаб бўлмайди.

Ушбу маърузалар матнида иктисодий жараёнларнинг фақатгина юзаки, қўриниб турган томонларигагина эмас, балки уларнинг ички моҳияти, зиддиятлари ва боғланишларига иктисодий жараёнларнинг сабаб ва оқибатларига анча эътибор берилди. Маърузалар матнида республикада иктисодий тараққиётнинг муаммолари, айниқса, Президентимиз китобларида, маъруза ва нутқларида, ҳамда қабул қилинган қонун ва қарорларда баён қилинган Ўзбекистонда бозор иктисодига ўтиш даври тамойиллари, хусусиятлари ҳам қамраб олинди, ҳамда назарияни амалиётга яқинлаштириш мақсадида қўпгина қонун-қоидалар бевосита Ўзбекистон ҳаёти мисолида ёритилди.

Асосий иктисодий тушунчаларни соддарок қилиб, оддий тилда, мисоллар, жадваллар, графиклар асосида тушунтиришга ҳаракат қилинди.

Маърузалар матнининг таркибий тузилиши унинг айрим қисмлари ўртасидаги мантикий боғланиш ана шу тартибидан қилиб чиқади.

Маърузалар матни устида ишлаш жараёнида унинг муаллифлари Республикада Президент И.А.Каримов асарларидан, Олий Кенгашида, Олий мажлисида, Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинган қонун ва қарорлардан ҳамда республикада ҳозирги кунда иктисодиёт назарияси ва бозор иктисодиёти бўйича ёзилган айрим адабиётлардан, шунингдек, гарбда ва шарқ мамлакатларида машҳур бўлган ўқув қўлланма, дарслик ҳаракатларида ва бошқа қатор иктисодий адабиётлардан, россиялик муаллифлар томонидан бозор иктисодиёти муаммолари бўйича ёзилган адабиётлардан кенг фойдаланилди.

Иктисодий назария бўйича маъруза олий ва ўрта махсус ўқув юртлари янги қасб-хунара коллежлари талабаларига бозор иктисоди билан шугулланаётган иктисодчи мутахассис ва раҳбар ходимларга мўлжалланган бўлиб, ундан талабалар ўз фаолияти муаммоларига жавоб топадилар, йўлланма оладилар деган умиддамиз.

Албатта, биз бу маърузалар матнида иктисодий ҳаётнинг ҳамма саволларига жавоб беришни, тақлифлар беришни мақсад қилиб қўйганмиз. Бизнинг асосий мақсадимиз иктисодий билимга интилувчи кишиларимизни, биринчи навбатда талабаларимизни назарий, услубий билим билан қуроллантириш, иктисодий фикрлаш йўл-йўриқларини қўрсатишдан иборатдир.

Бу қитоб иктисодиёт назариясининг жуда кенг муаммоларни ўз ичига олган ва мустақил равишда талшабаларимиз учун зарур бўлган маърузалар матнининг яратишга дастлабки уринишлардан бири бўлганлиги сабабли, у камчиликлар ва мунозарали жиҳатлардан холи эмас.

Шу сабабли муаллифлар ҳар қандай тақлиф ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиладилар ва ҳисобга оладилар.

1-БЎЛИМ ИКТИСОДИЙ ТАРАККИЁТНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

ИКТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСЛУБИ.

Режа:

1. Иктисодиёт ва унинг жамиятдаги ўрни.
2. Иктисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши.
3. Иктисодиёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари.
4. Иктисодий конунлар ва иктисодий категориялар.
5. Иктисодий жараёнларни илмий билишнинг услуги.

Бу бўлим инсоният тарихий тараққиётининг асоси ҳисобланган иктисодиёт тушунчасини ва унинг жамиятдаги ўрни, вазифалари, шаклланиш тарихи ҳамд иктисодий билимларнинг дастлабки пайдо бўлишдан бошлаб алоҳида фан сифатида вужудга келишини қисқача тавсифлаш билан бошланади.

Иктисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланишда асос бўлган иктисодий фикрлар, гоёларни мужассамлаштирган иктисодий мактаблар тўғрисида умумий тушунчалар берилади. Бундан ташқари, бу бўлимда фаннинг предмети, вазифалари ва бошқа иктисодий фанлар ичида тутган ўрни баён қилинади. Шу билан баргаликда фанни ўрганишда фойдаланиладиган иктисодий конунлар ва категорияларига ҳам муҳим аҳамият қаратилган.

Иктисодиёт ва унинг жамиятдаги ўрни.

Кишилиқ жамияти ва унинг тараққиёти жуда мураккаб, кўп қиррали ва гоёт чигал муаммоларга бойдир. Бу муаммолар кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, фан, маданият, сиёсат, мафкура, ахлоқ, давлатни бошқариш соҳалардаги ва нихоят, оиладаги фаолияти ва бошқа фаолият турларининг борган сари кўпайиб, ривожланиб боришидан, уларнинг ўзгариб боришидан иборатдир. Узок даврлар давомида инсоният тафаккури бош қотириб аниқлаган айрим масалалар бугунги кунда оддий ҳақиқат ва осон билиш мумкин бўлган нарсага ўхшаб кўринади.

Инсоният тарихий тараққиётининг дастлабки босқичидан инсон фаолиятининг асосий шакли, уй ҳўжалиги тарзида бўлганлиги учун иктисодиёт деган тушунча кириб келган ва бунинг маъноси қадимги

грекча сўздан келиб чиққан бўлиб, “ойкономика” - яъни уй ҳўжалигини бошқариш санъати, деган маънони билдиради.


Тарихий тараққиёт даражасига қараб, турли даврларда ва турли мамлакатларда иктисодиёт турлича бўлиши мумкин. Бу белгиси бўйича биз ҳозиргача иктисоднинг бир неча тизимини биламиз.

1. Анъанавий иктисод;
2. Маъмурий буйруқбозликка асосланган иктисод;
3. Бозор иктисоди.

Қамраб олиш даражасига қараб ҳам иктисод турлича бўлиши мумкин. Масалан, жаҳон иктисоди, мамлакат иктисоди; миллий иктисод, тармоқ иктисоди, функционал иктисод, минтақа иктисоди; корхона ёки фирма иктисоди, оила иктисоди.

Баъзан уларни яхлитлаштириб, макроиктисод ва микроиктисод деб аталади. Иктисодиётнинг бу турлари, даражалари, шакллари қандай бўлишидан қатъий назар уларнинг ҳаммаси бир мақсадга бўйсунган бўлиб, бу мақсад - Инсониятнинг яшаши, кўпайиши ва қамол топиши учун шарт-шароит яратиб бериш, турли хил ҳаётий воситаларни яратиб, уларнинг талабини қондириб боришдан иборатдир.

Инсоният мавжуддирки, у томонидан яратилган товар ва хизматлар, ресурсларнинг ҳаракати бўйича иктисодиёт: ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларининг бирлигидан иборатдир. Буларнинг ичида энг асосийси ва бошланғич ишлаб чиқариш жараёнидир. Чунки ҳамма товар ва хизматлар ҳудди шу босқичда яратилади. Агар ишлаб чиқарилмаса, тақсимланадиган айирбошлайдиган ва нихоят истеъмол қиладиган нарсалар бўлмайди (ишлаб чиқариш нима



ва қандай содир бўлиши ҳақида кейинги мавзуда ёритилади).

Тақсимот жараёнида эса, энг аввало, ишлаб чиқариш воситалари капитал ва ишчи қучи товар ва хизматларнинг алоҳида турларини ишлаб

чикарувчи тармоқлар, соҳалар, ҳудудлар ва, ниҳоят, корхоналар ўртасида тақсимланади. У меҳнат тақсимоти ҳам деб юритилади. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш натижаси бўлган товар ва хизматлар, уларнинг пулдаги кўриниши бўлган даромадларнинг тақсимоти ҳам меҳнат тақсимоти ҳам деб юритилади.

Иктисодиётнинг айирбошлаш жараёнида, меҳнат тақсимоти натижасида айрим гуруҳ кишилар товар ва хизматларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга, етказиб беришга ихтисослашадилар, айрим гуруҳлари эса бошқа турдаги товарни ишлаб чиқариш етказиб бериш бўйича ихтисослашадилар. Хар бир товар турини ишлаб чиқарувчи ўз товарини сотиб, ўзига керакли бўлган бошқа товар ёки хизматларни сотиб оладилар. Натижада турли хил йўналишдаги ишлаб чиқарувчилар ёки хизмат кўрсатувчилар ўртасида иктисодий алоқа -айирбошлаш, пул орқали олди-сотди содир бўлади.

Истеъмол жараёни эса, товарлар ва хизматлар турли кишилар, гуруҳлар томонидан истеъмол қилиниб, уларнинг эҳтиёжларини қондирадилар. Истеъмол икки хил бўлиб, ишлаб чиқариш истеъмоли ва шахсий истеъмолдан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш истеъмолида ишлаб чиқариш воситалари (капитал) ва ишчи кучи фойдаланиб истеъмол қилинади. Шахсий истеъмол жараёнида эса истеъмол буюмлари фойдаланилиб, улар йўқотилади, уларнинг яна ишлаб чиқариш зарурияти пайдо бўлади.

Шундай қилиб, товар ва хизматлар, ресурслар ҳаракати доимо тўхтовсиз такрорланиб турадиган жараёндир. Бу жараёни ушбу чизмада тушуниш осонроқ бўлади.

Иктисодиётнинг тарихий шакли, таркибий қисмлар ва даражасига қараб турларидан қатъий назар унинг доимий ва бош муаммоси эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иктисодий чекланганлигидир.

Иктисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланиши.

Иктисодий ҳаёт сирларини билиш ва шу йўлдаги фаолиятнинг асосий йўналишларини аниқлашга интилиш жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, бу интилиш иктисодий фаолиятни тартибга солиш, уни кишиларга керак бўлган томонга йўналтириш га ижобий таъсир этиш заруриятидан қелиб чиққан.

Иктисодиётга оид билимлар антик дунёнинг кўзга кўринган олимлари Ксенофонт, Платон, Аристотель асарларида, шунингдек

қадимги Миср, Хитой, Хиндистон ва Марказий Осиё олимларининг асарларида қараб чиқилган эди.

Биз узоққа бормасдан минг йиллар оша бизга етиб келган Куръони Каримни, Хадисларни, Кобусномани, боболаримиз Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек асарларини ўқир эканмиз уларда инсоннинг яшаши учун табиат эҳсонлари етарли эмаслиги, ижодий меҳнат қилиш кераклиги қайта-қайта ўқтирилганлигида яна бир қарра амин бўламиз.

Шуниси муҳимки, улар ҳеч бир инсон ўзи учун зарур бўлган истеъмол буюмларнинг барчасини ўзи яратолмаслигини, шунинг учун улар иктисодий алоқада, муносабатда бўлишлари объектив зарурият эканлигини ҳам қайд қилганлар.

Бундан ташқари уларнинг асарларида доимо хўжаликларнинг барча турларида (уй, шаҳар, давлат) даромад билан ҳаражат мувозанатига қатта эътибор бериш лозимлиги, пулнинг мазмуни ва унинг қелиб чиқиб сабаблари ёритилган.

Лекин Аристотелдан бошлаб бутун дунёнинг, жумладан Ўрта Осиёнинг қўпгина олимлари иктисодиётни изчил ўрганишни таъкидлаган ва унинг қўпгина қонун-қоидаларини, тушунчаларини ёритиб берган бўлсалар ҳам, ҳали иктисодиёт назарияси фан сифатида шаклланмаган эди.

Иктисодиёт назарияси фани мустиқил фан сифатида қўпгина мамлакатларда миллий бозор шаклланган ва жаҳон бозори вужудга келаётган даврда “сиёсий иктисод” номи билан шакллана бошлади.

Сийсий иктисод грекчадан олинган бўлиб “политикос” - ижтимоий, “ойкос” - уй, уй хўжалиги, “номос” - қонун дегани. Яъни уй ёки ижтимоий хўжалик қонунлари маъносини беради. 1575-1621 йилларда яшаб, ижод қилган француз иктисодчиси Антуан Монкретин биринчи марта 1615 йилда “сиёсий иктисод трактати” номи кичик илмий асар ёзиб, бу фанни мамлакат микёсида иктисодиётни бошқариш фани сифатида асослади. Кейинчалик Ф.Энгельс ўзининг “Анти-Дюринг” асарида бу фикрни тасдиқлаб, сиёсий иктисод қенг маънода моддий ҳаётнинг воситаларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни бошқарувчи қонунлар тўғрисидаги фандир деб ёзган эди.

Иктисодиёт назарияси фани шаклланиши жараёнида бир қанча гоёвий оқимлар, мактаблар вужудга келган. Бундай иктисодий оқимлардан бири “меркантилистлар”, деб аталган. Бу оқим тарафдорлари одамларнинг, жамиятнинг бойлиги пулдан, олтидан иборат, бойлик

савдода, асосан ташки савдода муаммолар жараёнида пайдо бўлади, кўпаяди, савдода банд бўлган меҳнат унумли меҳнат, бошқа меҳнатлар эса унумсиздир, деб тушунтириб келдилар. Кейинги оқим “физиократлар” деб аталган. Улар меркантилистлардан фаркли ўларок, бойлик кишлоқ хўжалигида яратилади ва кўпаяди, деган гоёни олга сурдилар. Уларнинг вакили бўлган Ф.Кэне томонидан машхур жадвал ишлаб чиқарилди. Кейинчалик иктисод фанининг классик мактаби намоёндалари бўлмиш А.Смид, У.Петти, Д.Рикардо каби атоқли иктисодчи олимлар бойлик факатгина кишлоқ хўжалигидагина эмас, балки шу билан бирга саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам яратилишини исботлаб бердилар ва ҳамма бойликнинг онаси ер, отаси меҳнат, деган қатъий илмий ҳулосага келдилар. Шуни айтиш керакки, А.Смитнинг “кўринмас кўл” принципи ҳозирги кунда жуда кўп тилга олинмоқда. У ўзининг “Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот” (1776й) деган китобида инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий қизиқишидир деб кўрсатади. Инсон ўз шахсий қизиқишини амалга оширишга, яъни фойда олишга интилиб меҳнат таксмоти шароитида қандайдир товар ёки хизмат турини яратади, бошқаларга етказиб беради, ўз капиталини кўпайтиради ва шу интилишда ўзи билмаган ҳолда жамият тараққиётига ҳисса қўшади деб тушунтиради. У капитал, меҳнат, товар, ишчи кучи ва бошқа ресурсларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш принципини илгари суради.

Иктисодиёт назарияси фанининг ривожланишида Сисмондининг ҳам муҳим ҳиссаси бордир. У капиталистик иктисодий механизмни танқид қилиб, сиёсий иктисод инсон бахти йўлида социал механизмни такомиллаштиришга қаратилган фан бўлмоғи лозим деб кўрсатади. Капитализмнинг иктисодий тузумини танқид қилиш билан бир қаторда ундан кўра прогрессив бўлган жамият қуриш гоёси Сен-Симон, Шарль, Фурье, Роберт Оуэн каби социал утопистлар томонидан илгари сурилган эди. Улар хусусий мулкни қаттиқ танқид қилиб, уни тугатиш тарафдори эдилар. Улардан кейин К.Маркс ва Ф.Энгельслар марксизм деб номланган назарий йўналишни яратдилар. Улар ўзларининг бу назариясида жамият тараққиётини табиий-тарихий жараён деб қараб, ижтимоий-иктисодий формациялар, уларнинг иктисодий тузими, таркибий қисмлари, вужудга келиш, ривожланиш ва бошқаси билан алмашиш сабаблари тўғрисидаги таълимотни яратдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб “маржинализм” деб аталган оқим вужудга келиб шакллана бошлади. “Marginal” - деган инглизча

сўздан олинган бўлиб, (крайний, предельный) охириги қўшилган деган маънони беради. Унинг асосчилари Австрия иктисодий мактабининг намоёндалари Карл Менгер, Фридрих фон Визер, Бем Баврек ва бошқалар бўлиб, улар томонидан қўшилган товар нафлигининг, қўшилган меҳнат ёки ресурс унумдорлигининг пасайиб бориш қонуни деган назариялар ишлаб чиқилди. Маржинализм назарияси аниқ олинган товарга бўлган талаб ва унинг баҳоси ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро таъсирини таҳлил қилишда кенг қўлланилди. Иктисодиёт назариясининг янги йўналиши неоклассик, яъни янги классик деб ном олди. Бу назариянинг йирик намоёндаларидан бири А.Маршалл бўлиб, унда иктисодий жараённинг функционал боғланиши ва функционал нисбатларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди, бозор мувозанатини ва баҳосини аниқловчи омиллар талаб ва қўлқўлдан иборат деб қаралди. Бу назарий йўналишнинг намоёндаларидан бири Швейцария иктисодчиси Леон Валрас бўлиб, у умумий иктисодий мувозанат моделининг нусхасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилди.

Австрия иктисодий мактабининг намоёндаси Й.Шупеттер 1912 йилда ёзган “Иктисодий тараққиёт назарияси” деб аталган китобида иктисодий тизимлар ўзгаришининг ички қўлқўларини, унинг ички мазмунини ва қўлқў берувчи ички қўлқў кўрсатишга ҳаракат қилди ва у иктисодни асосий ҳаракатга қўлқўрувчи қўлқў тадбирқўрлик деган ҳулосага қелади.

Ҳозирги замон иктисодиёт назариясининг муҳим йўналишларидан бири монетаризм деб аталади. Унинг асосчиларидан бири америкалик иктисодчи Милтон Фридмен бўлиб, унинг тадқиқотининг неғизида иктисодиётни барқарор қилишда қўлқў асосий роль ўйнайди, деган гоё ётади.

Америкалик олим Василий Леонтьев “ҳаражат - натижа” деб аталмиш иктисодий нусханинг асосчисидир.

“Иктисодиёт назарияси” фан сифатида шакллангунча босиб ўтган йўл ва унда вужудга келган гоёлар, оқимлар жуда мураккаб, бир-бирига зид ва қарама-қаршидир. Шундай бўлсада улар бир-бирини қўлқўради, иктисодий жараёнлар ва қўлқўларнинг ички қўлқўларини, қўлқўларини маълум даражада қўлқўлайди. Шунинг қўлқў ҳам уларни қўлқўиди ўрганиб қилиш ва қўлқўдали қўлқўал томонларидан Қўлқўанизм иктисодий қўлқўи йўлида қўлқўаланиш қўлқўдир.

Иктисодиёт назарияси фанининг предмети ва вазифалари.

Иктисодиёт назарияси фани ижтимоий фан бўлиб, унинг ўз вазифаси ва предмети бор.

Турли назарий қарашларни ўрганиб синтез қилишни иктисодиёт назарияси фанининг предметида бошласак макул бўлар деб ҳисоблаймиз.

Иктисодиёт назарияси фани сиёсий иктисод номи билан юритилганда қатор дарсликларда ва алоҳида олинган муаллифлар китобларида унинг предмети ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида содир бўладиган муносабатларини ўрганиш деб кўрсатилган эди.

Иктисодиёт назарияси фанининг предмети:

- бойлик ҳақидаги фан;
- пул муносабатлари билан боғлиқ фаолият турлари ҳақидаги фан;
- ишлаб чиқариш жараёнида тақсимот, айирбошлаш ва моддий неъматларни истеъмол қилиш муносабатлари ҳақидаги фан;
- қўндалик қўн қўриш воситаларини яратиш ва уларни истеъмол қилиш билан боғлиқ одамларнинг қўндалик турмуш фаолиятлари ҳақидаги фан;
- турли товарларни чекланган ресурслар асосида ишлаб чиқариш ва уларни истеъмол учун аҳоли ўртасида тақсимлаш ҳақидаги фан;

Юқоридагиларни умумлаштириб, - иктисодий назария чекланган ресурслардан унумли фойдаланиб, жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қўндириш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнидаги одамлар муносабатларини ўрганувчи фандир. Яъни бу фаннинг предмети, унинг мақсади ва вазифаларида янада ойдинроқ кўринади.

Иктисодиёт назарияси фанининг мақсади ва вазифасини икки томонлама, яъни амалий ва назарий томонларини тушунтириш мумкин.

Амалий иктисодиётнинг асосий мақсади иктисодий ўсишни таъминлаш ва шу асосда ўсиб боровчи талабларни қўндира боришдан иборат. Унинг вазифаси шу мақсаддан қелиб қикиб, чекланган турли хил ресурслардан самарали фойдаланиб, унинг ҳар бир бирлиги эвазига қўпроқ товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни таъминлаш, ҳар бир фаолият тури бўйича қаражатлар миқдори билан эришилган натижа, яъни товар ва хизматлар миқдорини таққослаш, ресурслардан самаралироқ фойдаланиш йўллари топишдан иборатдир. Бундан ташқари, иктисодиёт назарияси ишчи қўчини иш билан таъминлаш, пулнинг қўдрисзланишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя

қилиш йўллари ва бошқаларни кўрсатиб бериш лозим. Иктисодиёт назарияси фани макроиктисодиёт қаражасида таҳлил қилиб, унинг соҳалари, кўрсаткичлари, омиллари ўртасидаги боғланишларни, иктисодий ўсий йўллари аниқлаб кўрсатади ва давлатнинг ташки ва ички иктисодий сиёсатида илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Иктисодиётнинг назарий мақсади эса энг аввало қилишдан иборатдир. Бундан қелиб қикадиган вазифа: иктисодий қараёнлар ва қодисаларни қўзатиш, улардаги шакл ва мазмун ўзқаришларини, ички боғланиш ва алоқаларни, қиддиётларни, қонун-қонидларни, тушунчаларни қилиб, биринчи навбатда, талабаларга, иктисодчи мутахассисларга ва бошқа иктисод билан қизиқувчиларга ўргатишдан иборатдир.

Биз қайд қилган иктисодиёт назариясининг амалий ва назарий томонлари бир-бири- билан қамбарчас боғлиқдир. Амалий иктисод назарий қилимга эга бўлиш, уни эгаллаш, у билан қўролланиш қўруриятини тақозо этади. Назарий қилим эса олдиндан қўра қилиш ва амалий қарақат йўлини тўғри белқилаш имқонини беради.

Иктисодиёт назарияси фани бизнингча, иктисодий қараёнлар, воқеа ва қодисалар қирини қилишга илмий қўлланмадир.

Иктисодий қонунлар ва иктисодий қатегориялар.

“Иктисодиёт назарияси” фанининг вазифаси маълумотлар йиғиш, бир тизимга қелтириш, изохлаб бериш ва унинг иқидан ҳўлоса қикариш билан чекланмайди. Бу фан эришмоқчи бўлиб, интилаётган нарса иктисодий воқеа, қодисаларнинг ўзаро қамбарчас боғлиқлигини, бир қирига таъсирини сабаб ва оқибатини қилишдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда “Иктисодиёт назарияси” фанининг асосий вазифаларидан қири иктисодий қонунларни қилиш ва унинг мазмунини, амал қилиш механизмини оқиб бериш ҳисобланади. Иктисодий қонунларининг мавжудлиги тараккиёт қараёнида қўтилмаган тасодифий қодиса ва воқеаларнинг мавжудлигини инқор этмайди. Леқин иктисодий қонунлар алоҳида олинган бир қодисада намўён бўлмайди балки қодисалар ва қараёнларнинг йиғиндисида қўринадиган, доимий тақрорланиб турадиган ҳўқмрон тенденциялар тарзида намўён бўлади.

Иктисодий қонунлар - иктисодий муносабатлар тизимидаги ишлаб қикариш, тақсимот айирбошлаш ва истеъмол соҳаларида ўзаро ички боғлиқликда ва алоқадорликда юзага қелиб турадиган узвий иктисодий қўруратни тақозо этувчи сабаб оқибат, алоқа боғланишларидир. Иктисодий қонунлар объектив қарақтерга эга, яъни одамларнинг онқи ва

иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат қиладилар, лекин, кишилиқ жамияти юзага келиши билан вужудга келганлар.

Иктисодий қонунлар ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу соҳасини ривожлантиришнинг муҳим асосий йўналишини ифодалайди.

Иктисодий қонунларнинг чуқур моҳиятининг таҳлили билан иктисодий жараёнларни сирtdан юзаки таҳлил қилишни бирлаштириш иктисодиёт назарияси фанини факатгина бойитади.

Иктисодий қонунлар қуйидаги турларга бўлади:

1. Умумий иктисодий қонунлар-кишилиқ жамияти ривожланишининг барча босқичларида амал қилади. Масалан, вақтни тежаш қонуни, эҳтиёжининг тез ўсиб бориш қонуни, такрор ишлаб чиқариш қонуни, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи қучлар характери ва ривожланиш даражаси мос келиши қонуни ва шунга ўхшаш;

2. Хусусий ёки даврий иктисодий қонунлар - инсоният тараккиётининг бир неча босқичларида амал қилади. Масалан, талаб қонуни, тақлиф қонуни ва қиймат қонуни;

3. Формацион махсус иктисодий қонунлар - алоҳида олинган жамият босқичида ҳаракат қилади. Масалан, қўшимча қиймат қонуни.

Иктисодий қонунлар ижтимоий тараккиёт қонунлари сифатида, уларни белгиловчи бошқарувчи қонунлар сифатида намоён бўлади ва ҳар бир тарихий босқичда уларнинг роли ошиб боради. Умумий иктисодий қонунлар ва илмий тушунчаларни билиш, яхлит ва кенг маънода иктисодиёт назарияси фанини яратишда муҳим аҳамиятга эгадир. Иктисодий қонунлар билан бир қаторда иктисодиёт назарияси фани иктисодий жараёнларининг алоҳида томонларини характерлайдиган иктисодий категорияларни илмий тушунчаларни таърифлаб, уларнинг мазмунини очиб беради.

Иктисодий категориялар - доимо такрорланиб турадиган, барқарор, иктисодий жараёнлар ва реал ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчадир.

Иктисодий категориялар - реал иктисодий ҳодисаларни ифода этадиган илмий тушунча бўлиб, илмий фикрлаш махсулидир. Масалан, бозор, капитал, ишчи қучи, мувозанат, молия ва бошқалар шулар жумласидандир.

Иктисодий қонунлар билан иктисодий категорияларнинг фарқи шундаки, биринчиси иктисодиётнинг турли бугунлари, соҳалари, бўлақлари орасидаги боғлиқликни, уларнинг бири ўзгарса, албатта

иккинчиси ҳам ўзгариши мумкинлигини кўрсатади. Иктисодий категория - илмий тушунчалар эса, иктисодий ҳодисаларнинг бир томонини, унинг мазмунини ифода этади. Масалан, баҳо, талаб деган тушунчалар орқали биз энг аввало уларнинг нима эканлигини, бу нарсаларнинг иктисодий мазмунини тушуниб оламиз. Талаб қонуни орқали эса, талаб билан баҳо ўртасидаги алоқадорликни билиб оламиз.

Шунинг учун, ҳар бир иктисодий қонун атрофида икки ёки бир нечта илмий тушунчалар бўлиши мумкинки, уларни билмасдан туриб иктисодий қонуннинг мазмунига тушуриш ва унинг талабларини характерини билиш қийиндир. Масалан, биз юқорида айтганимиздек, талаб қонунини билиш учун баҳо ва талаб нималигини билиш зарур бўлса, қиймат қонунини тушуниш учун товар, пул, қиймат, баҳо, меҳнат, ижтимоий зарурий меҳнат каби тушунчаларнинг мазмунини билиш зарурдир.

Умуман олганда, иктисодий қонунлар ва категориялар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради. Улар биргаликда иктисодий тараккиёт жараёнларини акс эттиради.

Иктисодий жараёнларни илмий билишнинг услуби.

Ҳаётни илмий билиш уни тўғридан – тўғри сезиш, идрок қилишдан шуниси билан фарқ қиладики, у ҳодиса ва жараёнларни тадқиқ этиш усулларидан фойдаланган ҳолда жараёнларни чуқур ўрганади, уларнинг ўзаро боғлиқликларини очиб беради ва иктисодий тараккиётнинг ҳаракатига келтирувчи қучлар ва уларнинг сабабларини аниқлаб беради.

Ҳақиқий фаннинг вужудга келиши факатгина тадқиқот предмети шаклланиши билан эмас, шу билан бирга унинг билиш усулининг қарор топиши билан ҳам боғлиқдир. Услубият - бу илмий билишнинг принциплар тизими, йўллари, қонун -қоидалари ва аниқ ҳадисларидир. Бу объектив реалликни билиш диалектикаси мантик ва назарияни ўз ичига олувчи бир бутун таълимотдир. Услубият умумилмий характерга эга, лекин ҳар бир фанда ўзининг предметида келиб чиқиб, илмий билиш усулларининг ўзига хос характерини тақозо қилади. Шунинг учун услубият умумилмий ва хусусий бўлади.

Шу билан бирга агар тадқиқотчи чуқур илмий билимларга эга бўлишни хоҳласа унда диалектик услубга асосланиши зарурдир.

Иктисодиёт назариясида қўлланиладиган бу принциплар қуйидагилардир:

1. Иктисодиётни бир-бири билан алоқада, чамбарчас боғлиқликда, зиддиятда, ўзаро таъсир қилиб турадиган турли бўғинлардан, бўлақлардан иборат бўлиб, доимо характерда, ривожланишда бўладиган мазмун ва шакл жихатдан ўзгариб турадиган ички ва ташқи ҳодисалар билан алоқада бўладиган яхлит бир жараён деб қараш лозим.

2. Иктисодий жараённинг ҳар бир бўлагини алоҳида олиб, унинг ўзига хос хусусиятларини, қилиб чиқиш ва йўқ бўлиш сабаблари ва оқибатларини, унинг ижобий ва салбий томонларини, ички ва ташқи алоқадорлик ва боғлиқлик томонларини замон ва маконда ўрганиш лозим. Масалан, машина, станок, асбоб-ускуналар бир ишлаб чиқариш жараёнинг омили, сабаби бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар тақсимот ва истеъмол соҳаларида ўзгариш бўлишига, қишлоқ хўжалиқдаги ўзгаришлар саноатда ўзгариш бўлишига сабаб бўлади, ва ҳ.к.

3. Иктисодий жараёнларнинг оддийдан мураккабгача, пастдан юқоригача бўлган ривожланишини кўриб чиқиш. Бу ерда сон жихатидан ўзгаришлар тўплана бориб, сифат жихатидан ўзгаришга олиб қилишини ҳисобга олиш зарур.

4. Ички қарама-қаршиликлар бирлиги ва уларнинг ўзаро қураши ривожланишнинг манбаи сифатида қараш.

Айниқса, иктисодий фаолиятлар, ҳодиса ва жараёнларларнинг бориши табиий, моддий, шахсий ва пул маблағлари қаби омилларга таяниб иш қўришини, бу омилларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, зиддиятда бўлиши ва бир-бирига таъсир қўрсатишини, уларнинг доимо сифат ва миқдор жихатдан ўзгариб туришини, турли даврларда турлича ижтимоий шаклга эга бўлиши, эски иктисодий қонунлар, тушунчалар ўрнига янгиларининг пайдо бўлиши ҳисобига олсак, бу фан учун диалектик принципларини қўллашнинг қанчалик зарурлиги ва муҳимлиги дарҳол намоён бўлади.

Диалектик дунёқараш - бу қадимги грек философиясидан бошлаб то ҳозиргача бутун кишилик ҷамияти маънавий тараққиёти тарихида инсон ақл-ҳидроки эришган буюқ ютуқдир. Диалектик услубиятнинг моҳияти ўрганилаётган жараёни ички зиддиятлар туфайли ўз-ўзидан ҳаракатда бўлишини тушунтиришдан иборат ва бу нарса ҳар қандай ҳақиқий фанга, ҷумладан иктисодий назарияси фанига ҳам таълуқлидир.

Бундан ташқари, Иктисодиёт назарияси фанининг ўзига хос тадқиқот усуллари бўлиб, улардан энг муҳими илмий абстракция усулидир. Иктисодий жараёнларнинг моҳиятини ўзгаришида

микроскоплардан, қимёвий лабораториялардан фойдаланиб бўлмайди, уларнинг ўрнига абстракция қучи ишга солинади.

1. Илмий абстракция усули - таҳлил пайтида ҳалал бериши мумкин бўлган иккинчи даражали нарсалар, воқеа-ҳодисаларни фикрдан четлаштириб, ўрганилаётган жараёнининг асл моҳиятига эътиборни қаратишдир. Бу усул билан ўрганилаётган воқеа ва ҳодисанинг ички қўзғалғинмайдиған моҳияти, унинг асл мазмуни билиб олинади.

2. Таҳлил ва синтез усули. Таҳлил - бу ўрганилаётган бир бутунни алоҳида қисмларга ажратиш ва изчиллик билан уларни таҳлил қилиш. Синтез - бу ўрганилган қисмлардан олинган ҳулоса ва натижаларни бир бутунга бириктириб, яхлит жараён сифатида қаралади ва умумий ҳулоса чиқарилади.

3. Мантикийлик ва тарихийликнинг бирлиги усули. Иктисодиёт назариясида тарихийлик факти тарих нуқтаи-назаридан текширув олиб бориши зарурлигини билдиради. Чунки, иктисодий жараёнлар тарихий жараён сифатида ривожланади. Мантик усулида факатгина тарихий нуқтаи-назардан эмас, шу билан бирга асосий ички зарур қонуний боғланишлар бўйича таҳлил олиб борилади.

4. Фойдаланилаётган усул ичида эксперимент маълум ўрин эгаллайди, ундан иктисодий ўсишнинг қескин ўзгариш босқичларида, ҷумладан иктисодиётнинг инкироз ва беқарорлик босқичларида қенг фойдаланилади.

5. Макроиктисодий ва микроиктисодий таҳлилни қўшиб олиб бориш микроиктисодиёт таҳлилда иктисоднинг бошланғич бугини бўлмиш қорхона ва фирмаларнинг ички жараёнларини алоҳида иктисодий субъектларнинг ҳатти-ҳаракати ҳулки тадқиқот қилинади. Бу таҳлил марказида алоҳида олинган товарларнинг қиким ҳодиса ҳаражати қаптал ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг, баҳо ташқил топишининг иш ҳақи тўлашнинг, талаб ва тақлиф шаклланишининг шакл ва механизмлари ўрганилади.

6. Иктисодий жараёнларни миқдорий жихатдан таҳлил қилишда таққослаш, статистик, математик ва график усулларида қенг фойдаланилади. Айниқса, ҳозирги даврда график усулини қенг ўзлаштириш ва қўллаш зарурдир. Аниқроқ қилиб айтганда, график усули ўзгарувчи миқдорлар ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи қўзғалғин тасвирини беради.

Бу усуллар ёрдамида иктисодий жараёнлар ва ходисаларнинг мазмунини, улардаги ўзгаришларини, келиб чиқиш сабаб-окибатларини билиш мумкин бўлади.

Асосий таянч тушунчалар.

Иктисодиёт, Меркантилизм, Физиократлар, Классик иктисодий оким, Мержинализм, Иктисодий ходиса, Иктисодий жараён, Иктисодий муносабат, Иктисодий конун, Иктисодий категория, Илмий абстракция, Индукция, Дедукция.

Назорат саволлари .

1. Иктисодиёт тушунчаси ва унинг жамиятдаги ўрни.
2. Эҳтиёж нима?, уларнинг турларига таъриф беринг.
3. Иктисодиёт назарияси фаннинг ривожланиш боскичлари.
4. Иктисодиёт назарияси фанининг предмети.
5. Иктисодий конунлар ва категориялар тўғрисида тушунча ва уларнинг умумийлиги ва хусусийлиги.
6. Иктисодиёт назариясини ўрганиш усуллари .

Топшириқлар.

1. Куйидаги иктисодий категорияларнинг қайси бири умуиктисодий категориялар гуруҳига киради. Мехнат, инфляция, банк, ишлаб чиқариш, эксплуатация (асосланг).
2. Ишбилармонлик қобиляти ресурсларига киради.
3. Эҳтиёж бу..... етишмовчилик ҳолати.
4. Дедукция илмий билиш услуби бу

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т. Ўзбекистон 1998 йил. 177-413 бетлар.
2. И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард максимизм» Т., «Ўзбекистон», 50-55 бетлар.
3. Макконелл К, Брю С. «Экономика», т. I, ч. III предмет и метод.
4. «Экономика», т. I, изд. «Республика», 1992 г. С.18-25
5. Ўлмасов А. Шарифхўжаев М. «Иктисодиёт назарияси» (Дарслик) «Мехнат», 1995 й. 7-15, 17-35, 416-425 бетлар.

6. Борисов Б.Ф. «Экономическая теория». М.Общество «Знание» России, 1996 й.гл.1.
7. Кодиров А.А. «Иктисод назарияси», Т.1998 й.1-боб.
8. Абдурахмонов К.А. «Экономическая теория», Т.1998 йил.1 гл.

ЭХТИЁЖЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ.

Режа:

1. Эҳтиёжлар ва уларнинг турлари.
2. Иктисодий ресурслар тушунчаси ва таркиби.
3. Иктисодий фаолиятнинг мазмуни ва турлари.
4. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари.
5. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги.

Инсон яшамоғи учун энг аввало озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, уй-рўзгор буюмлари, транспорт воситалари, иситиш ва ёритиш воситалари керакдир. Ундан ташқари, инсон камол топтоғи учун ўқиб, билим олиши, касб ўрганиши, малака эгаллаши ва даволаниши, дам олиши, томошалар кўриши, турли хизматлардан фойдаланиши ва бошқа жуда кўп ҳаётий нарсаларга эҳтиёжи бордир. Бу ҳаётий воситаларга инсон доимо зарурият сезади. Иктисодиёт назарияси фанида инсоннинг яшаши ва камол топиши, умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган зарурияти эҳтиёжи деб аталади.

Эҳтиёж – бу инсонларнинг рухий ҳамда физиологик етишмовчилик ҳолатида юзага келади. Унинг иктисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, сиёсий турлари мавжуд бўлиб бунда ижтимоий-иктисодий эҳтиёжлар муҳим ўрин тутаяди. У кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматлардан ҳамда хизматларда иборат бўлади. Шу жihatдан олганда ижтимоий - иктисодий эҳтиёжлар моддий ва маънавий эҳтиёжларни ўз ичига олади. Моддий эҳтиёжлар бу аввало кишиларнинг ўзларига фойдали бўлган неъматларни харид қилиш ва фойдаланишга бўлган хоҳишларидир. У ўз ичига истеъмол учун зарур бўлган кўплаб ҳаётий зарур предметларни (озик-овқат, кийим-кечак, турар-жой) ва зеби-зийнат буюмларини (такинчок, атир-упа, енгил автомобил ва х.к.) олади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, бир неча йил олдин зеби-зийнат буюми бўлиб ҳисобланган нарса, энди энг оддий ҳаётий зарур предметга айланиши

мумкин. Хизматлар ҳам моддий неъматлар каби эҳтиёжларини кондиради. Масалан: шахсий автомобилани ремонт килдириш, соч олдириш, хукукшунос маслахатидан фойдаланиш каби хизматлар моддий товарлар билан бир каторда кишиларнинг эҳтиёжларини кондиради.

Жамиятнинг моддий эҳтиёжлари корхоналар ва давлат муассасалари эҳтиёжларини ҳам ўз ичига олади. Корхоналарга ишлаб чиқариш мақсадларини амалга ошириш, яъни товарлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи керак. Давлат, жамоа ва хусусий корхоналари мамлакат аҳолисининг умумий эҳтиёжларини ва ўзининг хусусий мақсадини акс эттириб, автомобил ва темир йўллари, мактаблар, касалхоналар қурилишига харбий техника ва қуролларини жамғаришга ҳаракат қилади.

Маънавий эҳтиёжлар ўз ичига моддий кўринишга эга бўлмаган билим олиш, маданий савиясини ошириш, малака-маҳоратга эга бўлиш, дам олиш, ҳар хил томошалар қуриш каби кўплаб эҳтиёжларни олади. Эҳтиёжлар яқка тарзда ва биргаликда кондирилиши мумкин. Бу эҳтиёжнинг характери ва уни кондирувчи объектлар хусусиятига боғлиқ. Шундай буюм ва хизмат турлари борки, улардан факат биргаликда фойдаланиш мумкин. Масалан, таълим олиш бинолари, соғлиқни сақлаш соҳаларидан, касалхонадан, дам олиш жойларидан баҳраманд бўлиш, спорт ўйинлари ва кунгил очар томошаларни биргаликда кўриш қабилар шулар жумаласидандир. Жамият эҳтиёжларига, унинг аниқ турдан қатъий назар, бир катор омиллар таъсир кўрсатади. Бу қўйидагилар:

а) Жамиятнинг иқтисодий тараккиёт даражаси, Иқтисодиёти ривожланишдан орқада қолган мамлакатлар эҳтиёжлар доираси тор ва паст бўлади. Аксинча, иқтисодиёти гурқураб ривожланган мамлакатларда эҳтиёжлар доираси кенг ва хилма-хил бўлади. б) Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий тузум. Агар жамиятдаги тузум бозор иқтисодиёти капиалистик принциплар асосида қурилган бўлса, ундаги ижтимоий гуруҳлар бойлар ва қамбағаллар, мулкдор ва мулксизларга бўлиниб, уларга мансуб кишилар эҳтиёжлари ўртасида қатта фарқ мавжуд бўлади. Юқори даромад олувчилар жуда сифатли ноёб маҳсулотлар ва хизматларга эҳтиёж билдирса, қамбағаллар эҳтиёжлари ҳаётини сақлаш учун жуда зарур маҳсулотлар ва хизматлар билан чекланади. в) Табиий - географик шароитлар ҳам эҳтиёжларнинг миқдори ва турига таъсир қилувчи омиллардир. Нисбатан совуқ иқлим шароитида, иссиқ иқлим шароитига қараганда ҳаёт кечириш учун кўпроқ оксил ва ёғга бой озиқ-

овқат, иссиқ кийим -кечак, уй ва транспорт воситаларига эҳтиёж бўлади. г) Тарихий -миллий анъаналар ва урф -одатлар ҳам эҳтиёжларга таъсир кўрсатади. Масалан: тарихан шаклланган миллий ва диний маросимлар, урф-одатлар, Наврўз байрами, рўза ва ҳайитлар ўзига хос эҳтиёжларни юзага чиқаради. д) Аҳоли сонининг ўсиши, унинг таркибидаги ўзгаришлар эҳтиёжларга таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади. е) Ниҳоят, халқаро, давлатлар, миллатлар ва минтақалар ўртасидаги алоқалар, айниқса, улар ўртасидаги маҳсулот ва ахборот айирбошлаш янги эҳтиёжларнинг кенг тарқалишига олиб келади.

Алоҳида кишиларнинг эҳтиёжлари уларнинг ёши, жинси, оилавий аҳоли, касби, меҳнатнинг характери каби омилларга боғлиқ. Масалан: кекса кишиларнинг ёшлардан фарқ қилиб, енгил ҳазм бўладиган овқатга, дори-дармонга, шовқин-суронсиз яшаш муҳитига қучли бўлади. Кўп болали оилаларда болалар кийими, ўйинчоқларга эҳтиёж бўлса, фарзандсиз оилаларда бундай эҳтиёжлар бўлмайди. Алоҳида кишилар эҳтиёжига қучли таъсир қилувчи омил - бу улар мураккаб, оғир ва енгил меҳнат турлари билан шугулланувчи кишилар эҳтиёжлари бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, моддий эҳтиёжларни тўлиқ кондиритиш мумкин эмас. Жамият ҳар бир маълум даврда кўплаб кондиритилмаган эҳтиёжларни сезади. Вакт ўтиши билан янги буюмларнинг пайдо бўлиши, кенг рекламанинг таъсири ва савдонинг рағбатлантириши натижасида эҳтиёжлар ўзгаради ва қўпайиб боради. Шундай экан, жамиятнинг яъни уни ташкил қилувчи шахс, муассаса ва корхоналарнинг эҳтиёжлари чексизлиги уларнинг тўхтовсиз янгиланиб ва ўсиб боришини билдиради. Бу эҳтиёжларнинг тўхтовсиз ўсиб бориши иқтисодий қонунида ўз ифодасини топади. Мазкур қонун нафакат эҳтиёжларнинг миқдоран ўсиб боришини, балки унинг таркибан янгиланиб туришини, эскиларнинг ўрнига янгисининг қилишини билдиради. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориш қонуни ишлаб чиқариш билан эҳтиёжлар ўртасидаги узвий тўғридан-тўғри боғлиқликни акс эттиради. Ишлаб чиқариш эҳтиёжни кондиритишга қаратилдиган ва унинг ривожланиши янги эҳтиёжларини юзага қелтиради. Ишлаб чиқариш байналминал тус олиши билан ишлаб чиқариш ва эҳтиёж ўртасидаги боғлиқлик халқаро миқёсда акс этади. Маълум бир мамлакатда пайдо бўлган эҳтиёж бошқаларига тарқалиб, халқаро характерга эга бўлади. Масалан: компьютер бир мамлакатда пайдо бўлиб, тез борада дунё миқёсида унга эҳтиёж тарқалди. Халқаро алоқалар ривожланиб бориши билан эҳтиёжларнинг миллий хусусиятлари

билан бир каторда унинг миллатлараро, байналминал белгилари ривож топиб боради.

Эхтиёжларнинг ўзи ҳам бир-бирини такозо килади. Бир эхтиёж ўз оркасидан бошқа бир эхтиёжни келтириб чикаради. Масалан: компьютер техникасига эхтиёжнинг пайдо бўлиши, ўз кетидан уни ишлатишни ўрганиш, хизмат кўрсатиш, дастур тузиш каби эхтиёжларни келтириб чикаради.

Эхтиёжларнинг ўсиб бориши бир текис, узлуксиз бўлмайди. Унинг ўсишига қарши таъсир қилувчи омиллар ҳам мавжуд бўлади. Ишлаб чиқариш ҳолати, жамиятдаги ҳукмрон муносабатлар, ғавқулотда юз берган ҳолатлар (урушлар, иқтисодий тизим алмашиши) ва табиий офатлар: зилзила, сув тошқини, ёнғин каби эхтиёжларнинг ўсиб боришига қадар таъсир кўрсатувчи омиллар бордир. Шундай қилиб, эхтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни, мавжуд эхтиёжларнинг миқдоран ўсиб боришида, мураккаб янги эхтиёжларнинг пайдо бўлишида, муайян эхтиёжлар доирасида турли эхтиёжлар нисбатининг ўзгаришида ва бир эхтиёжнинг бошқаси билан алманишида намоён бўлади.

Иқтисодий ресурслар тушунчаси ва таркиби.

Иқтисодий ресурслар деганда биз жамият, мамлакат, алоҳида олинган қорхона, фирма, оила ихтиёрида тўпланган ва айни вақтда мавжуд бўлган, товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчига етказиб беришда ва истеъмол қараёндларида фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар, қуритлар ва манбаларини тушунамиз. Бунга табиий ресурслар (ер, сув, ўрмон, ер ости бойликлари) ишчи қучи ресурслари моддий ресурслар (бинолар, станоклар, машиналар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, қурилмалар, сотишга тайёр товарлар, унинг қуритлари, пул маблағлари ва бошқалари) қиради. Иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқариш омилларидан фарқи шундаки, бунда ишлаб чиқаришда қатнашадиган ишчи қучи табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш воситаларидан ташқари ҳамма моддий ресурслар, товар ва пул ресурслари қиради. Иқтисодий ресурслар чекланганлиги туфайли ҳамма одамлар хоҳлаган истеъмол буюмларини, транспорт воситаларини ва бошқа нарсаларни дарҳол сотиб ола олмайдиган ва хоҳлаганча истеъмол қила олмайдиган. Ҳар бир киши, ҳатто энг кўзга қўринган давлат арбоби саҳна ёки спорт юлдузи каби кишилар бу муаммага дуч келади. Иқтисодий ресурслар, ишлаб чиқариш ва эхтиёжларни қондириш қаражаси ўртасида доимий ва мустаҳкам алоқадорлик қуйидагича ифодалаш мумкин:

Бундан чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш имкониятларини ва бинобарин эхтиёжларнинг қондиришнинг қаражасини ошириш қарурлигини иқтисодиёт олдига қуйидаги муаммоларни қўяди.

$$\text{ИРИ} = \text{И} / \text{Ч ёки Хқд-Эқд}$$

Бу ерда: ИРИ - Иқтисодий ресурслар, имкониятлар;

И/ Ч ёки Хқд- Ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш қаражаси;

Эқд- Эхтиёжни қондириш қаражаси.

Бунда чекланган иқтисодий ресурслардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш имкониятларини ва бинобарин эхтиёжларнинг қондиришнинг қаражасини ошириш қарурлигини иқтисодиёт олдига қуйидаги муаммоларни қўяди.

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг оптимал варианты (энг қарур ва тежамли турларини) танлаб олади ва ресурслар қўпроқ уларни ишлаб чиқаришга қаратилади.

2. Мавжуд ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан тежаб -терғаб, самарали фойдаланиш.

3. Қан техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиб, янги энергия, материал қом-ашё турлари, уларнинг манбалари топилиб, фойдаланишга жалб қилинди, ресурслар унумдорлигининг ошишига эришилди.

Ресурсларнинг ҳаммасини икки турга бўлиш мумкин:

1. Моддий ресурслар – ер қом ашё материаллари, капитал,
2. Инсоний ресурслар – меҳнат ва тадбирқорлик лаёқати.

Иқтисодий фаолиятнинг мазмуни ва турлари.

Моддий ва маънавий неъматларни яратиш, хизматлар кўрсатиш инсон ҳаёти, унинг яшаши ва қамол топиши учун моддий асосдир. Шунинг учун ишлаб чиқаришни тўхтовсиз олиб бориш ва ривожлантириш ҳар доим энг муҳим иқтисодий қонуният ва қаруриятдир.

Иқтисодиёт, тизими ва шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳалари учун ишчи қучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт.

Ишчи қучи деб инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндисига айтилади. Ишчи қучи меҳнат қобилиятига

эга бўлган инсонларда бўлади. Лекин инсоннинг ўзи эмас, ёки унинг меҳнати ҳам эмас, унинг қобилияти ҳолос.

Меҳнат қуроллари деб, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиладиган нарсаларга машиналар, станоклар, тракторлар, қурилмалар, усқуналар ва бошқалар айтилади. Меҳнат предметлари деб эса бевосита меҳнат таъсир қиладиган нарсалар, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсаларга / ер, хомашё ва турли материалларга/ айтилади. Меҳнат предметлари табиатда тайёр ҳолда учраши мумкин ёки даврдаги меҳнат маҳсулоти, яъни хомашё бўлиши мумкин. Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари биргаликда ишлаб чиқариш воситалари деб юритилади. Бу меҳнат жараёнининг табиатидан келиб чиқади ва шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш воситалари ҳамма ижтимоий-иктисодий формациялар, инсоният таракқиётининг ҳамма босқичлари учун ҳосдир.

Меҳнат воситаларини меҳнат предметларига таъсир этиш характерига кўра бир нечта катта гуруҳларга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга машиналар, механизмлар станоклар, усқуналар, турли хил аппаратлар ва бошқалардан иборат меҳнат қуролларини киритиш мумкин. Уларнинг ёрдамида ишчи табиат ашёлари ва қўлларига бевосита таъсир қилади ва бу ашёларни ўзининг истеъмоли учун зарур бўлган шаклга келтиради. Иккинчи гуруҳга материалларни саклаш учун мўлжалланган меҳнат воситалари /цистерналар, турли хил бочкалар, трубадар, омборлар ва бошқалар/ киритилади.

Учинчи гуруҳга бевосита ишлаб чиқариш жараёнида катнашмайдиган меҳнат воситалари қиради. Лекин бу воситаларсиз ишлаб чиқариш жараёнининг амалга ошиши мумкин эмас ёки тўла ва самарали амалга ошмаслиги мумкин. Буларга бинолар, йўллар ва бошқалар мисол бўла олади.

Ҳозирги бозор иктисодида ишлаб чиқаришнинг тўрт омили кўрсатилади; меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти.

Ишлаб чиқаришнинг омили сифатида шунинг учун биз меҳнат деган тушунчани эмас, балки ишчи қўчи деган тушунчани ишлатамиз ва ишлаб чиқариш омиллари: ишчи қўчи, капитал, ер ва тадбиркорлик қобилияти деб юритамиз.

Ишчи қўчи инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йигиндиси бўлганлиги учун бозор иктисоди даврида инсон эмас, меҳнат жараёни эмас, ишчи қўчи сотилади. Ишчи қўчи асосий ишлаб чиқарувчи қўчи сифатида қарашиб, бунда у ҳамма моддий

воситаларни ва қўчи маблағларини ҳаракатга келтиради, улардан унумли фойдаланади.

Капитал - ўз эгасига қўшимча қиймат келтирувчи қиймат, ўз-ўзидан қўпаювчи, ўсувчи қиймат деб қарайди. Бу ерда капитал турли шаклда қўчи, ишлаб чиқариш воситалари, товар ва бошқа моддий воситалар шаклида бўлиши мумкин.

Капитални иккига бўлинади: доимий капитал ва ўзгарувчи капитал бўлинади.

Ҳозирги даврдаги қўпгина иктисодчилар масалан: Дж.Клорк, Л.Вальрас, И.Фишерлар капитални даромад келтирувчи, фойда келтирувчи, фойза келтирувчи қиймат деб қарайди¹⁾.

Биз капитал деганда ўз эгаларига даромад келтирадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳаларида ишлатиладиган ишлаб чиқариш воситаларини, янги воситалар ва ишчи қўчини сотиб олишга мўлжалланган қўчи маблағларини , уларнинг ашёвий томони ва қийматининг бирлиги деб тушунамиз.

Ер деганда - ҳамма адабиётларда деярли бир хил тушунча берилади, яъни ернинг тупроқ унумдорлиги, ўтлоқлар, яйловлар, сув, ҳаво, ўрмон, қазилма бойлиқлар, умуман табиий ресурслар тушунилади.

Бозор иктисодиёти шароитида катта эътибор бериладиган омиллардан бири тадбиркорлик лаёқатидир.

“Тадбиркорлик лаёқати” деганда бошқа ресурсларни самарли ишлата олиш қобилиятига эга бўлган инсоний ресурс тушунилади.

Инсон меҳнатининг умумий ашёси табиат билан ер ҳисобланади. Қишлоқларнинг ўзларига қеракли бўладиган ҳамма нарсаларни ана шуларнинг ичидан танлаб оладилар ва уларни хом-ашё, ярим фабрикат сифатида қайта ишлаб фойдаланадилар.

Фан-техника таракқиёти билан янги меҳнат ашёларини ҳосил қилиш имқонияти яратилди, лекин шунда ҳам табиат қишлоқ жамиятнинг биринчи асоси бўлиб қолаверади. Демак, буюқ иктисодчи У.Петтининг “Меҳнат бойлиқнинг отаси ва фаол принциpidир, ер эса унинг онаси” деган ибораси ўз қийматини тўла саклаб қолади. Демак, ҳамма иктисодий ресурслар ёки ишлаб чиқариш омиллари ноёб ва чекланган ҳажмда бўлар экан.

Ишлаб чиқариш омиллари бир-бирига боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлади, бирининг ўзгариши иккинчисига таъсир қилади. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро таъсир усули технологияда ўз ифодасини топади. Қишлоқ буюмларнинг илғари маълум бўлмаган ҳусусиятларини англаб

олиб, товар ва хизматларнинг янги турларини тайёрлаш сирларини билиб оладилар, илгор технологияни кўллайдилар, янги материаллардан, энергия турларидан фойдаланадилар. Ишлаб чикариш омилларининг ва технологиянинг ўзгариши ишлаб чикаришни ташкил этишнинг мазмуни ва шаклининг ўзгаришига, унинг такомиллашувига сабаб бўлади.

Ишлаб чикариш жараёнининг мазмуни.

Ишлаб чикариш жараёни - бу кишиларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Моддий ва маънавий неъматлар яратиш турли хизматлар кўрсатиш жараёни кишилар фаолиятининг асосий томони, чунки шу жараёнда кишилар ўртасида бўладиган муносабатлар бошқа ҳамма соҳалардаги: айирбошлаш таксимот ва истеъмол соҳаларидаги рўй берадиган муносабатларнинг хусусиятларини ва йўналишини белгилаб беради.

Ишлаб чикариш жараёнидаги бўладиган бу муносабатларнинг характерини, шаклларини ва хусусиятларини ўрганиш ва уларни билган ҳолда ишлаб чикаришни онгли ташкил этиш қўйилган олий мақсадга, яъни чекланган иктисодий ресурслардан унумли фойдаланилган ҳолда кишиларнинг ўсиб боровчи талабини кондириш мақсадига эришишнинг бирдан-бир йўлидир. Моддий неъматлар ишлаб чикариш ва хизматлар кўрсатишнинг ички қонуниятлари ва унинг ривожланиш хусусиятлари кўпгина иктисодчи олимлар томонидан кўрсатиб берилган.

Шундай қилиб, меҳнат жараёни истеъмол қийматларни вужудга келтириш учун мақсадга мувофиқ қилинадиган ишдир, табиат яратган нарсаларни киши истеъмоли учун ўзлаштириб олишдир, киши билан табиат ўртасидаги модда алмашувининг умумий шартидир, киши ҳаётининг абадий табиий шароитидир.

Ишлаб чикариш жараёни инсоният таракқиётининг ҳамма босқичларига, ҳамма мамлакатларга, эл-юртларга ва халқларга хос бўлиб умуминсоний категория (тушунчадир).

Шунинг учун бу жараён узок тарихга эга бўлиб оддий тош ва ёғоч қуроллардан фойдаланиб, энг содда овчилик ва дехқончилик қилишдан тортиб то ҳозирги замон мураккаб технологиясига асосланган роботсозлик, самолётсозлик, компьютер техникаларини, замонавий радио ва телевидения воситаларини ишлаб чикаришгача бўлган йўлни босиб ўтди. Ҳозирги даврда мамлакатимиз ҳудудида бир неча юзлаб тармоқлар ва соҳаларда халқимизнинг истеъмоли ва ишлаб чикаришнинг

ўзи учун зарур бўлган истеъмол буюмлари ва асбоб усқуналар ишлаб чикарилади.

Ишлаб чикаришнинг энг йирик соҳалари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, савдо, тайёрлов идоралари, моддий техника таъминоти, коммунал ва уй жой хўжаликлари, турли хил хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқалардан иборат. Хар бир мамлакат ўз таракқиётининг шу даврдаги босқичи учун зарур ва қулай бўлган тармок таркибини вужудга келтиришга ҳаракат қилади. Бунда ресурслар чекланганлиги ҳисобланиб ишлаб чикаришни ўстириш ва халқнинг талабини кондириш учун ўта зарур бўлган, мамлакат муҳофаа қобилятини мустаҳкамлашга, чет эллар билан бўладиган ҳамкорликни юксалтиришга имкон берадиган тармоқларга алоҳида эътибор берилади.

Бозор иктисодиётига ўтиш шароитида меҳнат фаолиятининг муҳим томони бўлган уй хўжалиги имкониятларидан фойдаланиш /қасаначилик, ҳунармандчилик, нонвойлик, уй-боғча ва яслилари очиш, репетиторлик қўшимча дарс ўтиш/ ички имкониятларидан фойдаланишнинг муносиб йўлларида бири ҳисобланади, чунки бу усул қўшимча бинолар қурилишини талаб қилмайди ва маблағни тежашга имкон беради. Шу билан бирга хизматлар турини ва миқдорини қучайтиради.

Эҳтиёжлар тури қанча кўп бўлса шунга биноан ишлаб чикариш тармок ва соҳалари ҳам кенгайиб боради. Ишлаб чикариш икки соҳага: Моддий ва номоддий ишлаб чикариш соҳасига бўлинади.

Моддий ишлаб чикариш соҳаларида зарур бўлган моддий неъматлар яратилади, номоддий соҳада эса турли хил маънавий неъматлар яратилади ва хизматлар кўрсатилади. Бу икки соҳа бир-бири билан ҳамбарчас боғланган ҳолда ривожланади ва бир-бирига таъсир кўрсатади.

Моддий ишлаб чикариш соҳасининг ўзи икки бўлимдан - биринчи ва иккинчи бўлимлардан иборат бўлади. Биринчи бўлимда ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатиш қорхона ва ташкилотларининг ишлаб чикариш истеъмоли учун зарур бўлган воситалар - станок, машина, асбоб-усқуна, хомашё ва турли материаллар ишлаб чикарилади. Иккинчи бўлимда эса халқ истеъмоли учун зарур бўлган истеъмол товарлари ишлаб чикарилади.

Бозор шароитида ишлаб чикариш жараёнининг икки томонини қуйидагича ифода этишимиз мумкин.

Ишлаб чикариш жараёнини икки томонлама таҳлил қилиб, ўрганиш, уни тўғри тушуниш имконини беради. Бу ерда шуни ҳисобга олиш

Ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари буюм шакллари.	Меҳнат жараёни ёки истеъмол қиймат яратилиш жараёни	Истеъмол қиймат яъни нафлилиги
Ишлаб чиқаришнинг омиллари	Ишлаб чиқариш жараёни	Натижа: Товар ва хизматлар
Капитал ишлаб чиқариш воситаларининг ва ишчи кучи	Сарф. ва қийматнинг ўсиш жараёни	қўшилган қиймат

лозимки олдинги ишлаб чиқариш жараёнидан чиккан ишлаб чиқариш воситалари қиймати

кўпаймаган холда ўзлари канча бўлса шу микдорда конкрет меҳнат билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматига ўтказилади. Бу ишлаб чиқариш жараёнида катнашаётган айрим табиат кучлари қийматга эга эмас, шунинг учун улар истеъмол қийматини ҳосил қилишда омил сифатида катнашади, лекин қийматнинг ташкил топишида катнашмайди. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томонлама табиати унинг натижаларининг ҳам икки томони борлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари.

Хар бир корхона ёки ишлаб чиқариш жойида турли омилларнинг биргаликда ишлатилиши натижасида маҳсулот яъни товар ва хизматлар вужудга келади. Лекин бундай корхоналар сони жуда кўпдир. Масалан: 1995 йил бошида Ўзбекистонда рўйхатга олинган хўжаликлар сони 185 мингтага етди.

Юзаки караганда хар бир корхонадаги индивидуал ишлаб чиқариш бир-бирдан ажралган холда мустиқил бўладиганга ўхшаб кўринади. Аммо хилма-хил товарлар ва ресурсларнинг узлуксиз оқимида индивидуал маблағларнинг ҳаракатлари бир-бири билан қўшилиб, ўралиб чатишиб кетади. Чунки айрим олинган индивидуал ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти ва айрим маблағлар, маҳсулотларнинг ҳаракати ўзаро боғлангандир. Шу сабабли, индивидуал меҳнатларнинг ҳаракати қўшилиб кетиши, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, жами

яратилган товар ва хизматларнинг ҳаракатини билдиради. Демак, ижтимоий ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ва алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришнинг йигиндисидир. Хар бир индивидуал ишлаб чиқариш, унинг сармояси ва ресурслари эса ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ажралмас бир бўлагидир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш, яъни турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги товарлар ва хизматлар массасидан иборат бўлган миллий маҳсулот вужудга келади.

Мамлакатда вужудга келтирилган маҳсулотлар яъни товарлар ва хизматлар йигиндиси ялпи ва ички миллий маҳсулот деб атала бошлади. Ялпи миллий маҳсулот деб маълум вақт давомида, масалан, бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушадиган барча тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг бозор қиймати тушинилади. Миллий маҳсулот моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг йиллик меҳнати фаолиятининг умумий натижаси бўлиб ҳисобланади. Ички миллий маҳсулот ҳам худди шу мазмунда тушунтирилади.

Ялпи миллий маҳсулот билан ички миллий маҳсулотнинг фарқи шундаки ялпи миллий маҳсулотда мамлакат ичидаги ва турли мамлакатлардаги бизнинг корхоналаримизда вужудга келтирилган, қўшма корхоналарда бизнинг ҳиссамизга (мамлакатимиз ҳиссасига) тушадиган маҳсулотлар киради.

Жами ижтимоий маҳсулот билан ялпи ёки ички миллий маҳсулот ўртасидаги фарқни аниқ тушуниш учун қуйидаги мисолни келтирамиз.

Миллий маҳсулот турли корхоналарда ва тармоқларда яратилсада, уларни умумлаштириб, асосан икки таркибда, яъни: натурал буюмлашган ва қиймат таркибида ҳисобга олинади. Уларнинг ўзгариши жамиятнинг иқтисодий ривожланиш динамикасини акс эттиради. Моддий буюмларнинг ишлатилиши, ишлаб чиқариш ёки шахсий истеъмол воситаси бўлиб хизмат қилишга мувофиқ миллий маҳсулот ўзининг натурал буюмлашган шакли бўйича икки қисмдан: Ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарларидан ташкил топади. Кейингиси ўз навбатида истеъмол буюмларидан ва аҳолига кўрсатилган турли хизматлардан ташкил топган.

Ишлаб чиқариш жараёнини давом эттириш учун, биринчидан, истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситаларини факат қийматдагина эмас, балки уни моддий натура шаклида ҳам қайта тиклаш зарур. Буни тиклаш учун албатта ички миллий маҳсулот таркибида маълум микдорда

ишлаб чикариш воситалари натурал шаклида мавжуд бўлиши керак. Иккинчидан, ишчи кучининг кайта тикланиши учун мулк эгалари ва тадбиркорларнинг шахсий истеъмоли учун миллий махсулотнинг таркибида зарур истеъмол буюмлари мавжуд бўлиши керак. Шунинг учун ҳам миллий махсулот икки хил товар махсулоти сифатида мавжуд бўлади, бу ўз навбатида, икки йирик бўлинмалар ўртасида товар айирбошлаш имконини беради.

Демак, миллий махсулот киймат жихатдан, уч кисмдан иборат бўлади, яъни:

1. Ишлаб чикариш жараёнида истеъмол килинган ишлаб чикариш воситаларининг, яъни улар кийматининг махсулотга ўтган кисми (С).

2. Янгидан вужудга келтирилган махсулотнинг зарурий меҳнат билан ишлаб чикарилган зарурий махсулотнинг киймати (У).

3. Янгидан вужудга келтирилган махсулотнинг мулкдорлар, тадбиркорлар ва жамият учун килинган кўшимча меҳнат билан ишлаб чикарилган кўшимча махсулот киймати (М) дан иборатдир. Бошқача килиб айтганда, олдинги ишлаб чикариш жараёнларида яратилган ва ушбу жараёнда истеъмол килинган ишлаб чикариш воситаларининг кийматидан ҳамда шу ишлаб чикариш жараёнида яратилган янги киймат яъни соф миллий махсулотдан иборатдир (**$MM=MC+CMM$**). Чунки миллий махсулотнинг бир кисмидан ишлаб чикариш жараёнида истеъмол килинган ишлаб чикариш воситаларининг ўрнини коплаш учун фойдаланилади. Ишлаб чикаришнинг узлуксиз давом этиши ва ривожланиши учун истеъмол килинган ишлаб чикариш воситалари хар кандай асбоб-ускуналар, хомашё, ёкилги ва бошқа ёрдамчи материаллар ўрнини тўлдириб туриши талаб қилинади. Бунинг учун миллий махсулотнинг бир кисми фойдаланилади.

Демак, соф миллий махсулот бевосита ишлаб чикаришда банд бўлган менежментлар, ишчилар, дехконлар ва муҳандислар, техник ходимларнинг янгидан сарф килинган меҳнати; яъни зарурий меҳнат билан яратилган зарурий махсулотдан ва кўшимча меҳнат билан яратилган кўшимча махсулотдан иборатдир.

Зарурий махсулот деб ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир кисми бўлган зарурий иш вақтида яратилган ишчи кучини нормал ҳолатда саклаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган махсулотга айтилади.

Зарурий махсулот соф миллий махсулотнинг муҳим кисми бўлиб, бевосита ишчи ва хизматчиларга тегишли кисмидир. Соф махсулотнинг

зарурий махсулотдан ортиқча кисми яъни кўшимча иш вақтида яратилган кисми кўшимча махсулот дейилади.

Бу кўшимча махсулот тадбиркорларга ва мулкдорларга ҳамда давлатга тегишлидир.

Зарурий ва кўшимча махсулот деярли жамият тараккиётининг ҳамма босқичларига хосдир. Лекин улар ўртасидаги нисбат турли даврларда турлича бўлади. Ибтидоий жамоа тузумининг дастлабки даврида жамоадош ҳамма кишиларнинг вақти факат зарурий махсулотни яъни яшаш учун энг зарур махсулотни топиб ейиш билан банд бўлган. Кейинчалик яъни бу тузумнинг охирига келиб, кисман меҳнат унумдорлиги ошиб, зарурий махсулотдан ортиқча яъни кўшимча махсулот пайдо бўлган ва уни айрим кишилар томонидан ўзлаштириш натижасида хусусий мулк пайдо бўлган.

Иш кунини узайтириш йўли билан олинган кўшимча махсулот абсолют кўшимча махсулот деб, иш куни ўзгармаганда зарурий иш вақтини камайтириб, кўшимча иш вақтини кўпайтириш эвазига олинган кўшимча махсулотни эса нисбий кўшимча махсулот деб аталади.

Йил давомида олинган кўшимча махсулотлар йигиндиси кўшимча махсулот массаси, унинг зарурий махсулотга нисбати эса фоизда ифодаланиши кўшимча махсулот нормаси деб юритилади.

Агар кўшимча махсулот нормасини m^1 , массасини m , зарурий махсулотни v билан белгиласак кўшимча махсулот нормаси $m^1=m|v \times 100\%$ кўринишдаги формула билан аникланади. Кўшимча махсулот бозор иктисодиётини ва унга ўтиш шароитида кўшимча киймат шаклида намоён бўлади. Ишлаб чикариш жараёнида ҳосил бўлган кўшимча киймат сотилиш жараёнида фойдага айланади. Фойдадан давлат солиқ сифатида, ссуда капитал эгалари эса фоиз сифатида, ер эгалари рента сифатида ўз улушларини оладилар.

Колгани эса тадбиркорларнинг соф фойдаси бўлиб, унинг ҳисобидан ўзларининг истеъмолини, инвестицияни, турли социал йўналишдаги ишларни амалга оширдилар. Кўриниб турибдики, кўшимча махсулотни кўпайтириш ҳеч кимга зарар бермайди, аксинча жамият аъзоларининг ҳаммаси учун манфаатлидир.

Маълум жамиятда кўшимча махсулот билан зарурий махсулот ўртасида зиддият ва алоқадорлик бор. Уларнинг хар иккисида ҳам бутун халқ хўжалигини ривожлантириш ва жамият аъзоларининг фаровонлигини ошириш мақсадлари йўлида фойдаланилади.

Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги.

Бозор иктисоди шароитида ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади фойда бўлганлаги учун ҳар бир тадбиркор кўпроқ фойда олишга интилади. Унда ишлаб чиқаришнинг омилларига сарфланган киймат капитал шаклини олади, ишлаб чиқаришнинг провард натижаси эса кўшимча киймат шаклини олади. Уларнинг реал ҳаётдаги шакллари ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда шаклида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини олинган фойданинг (Φ) ишлаб чиқаришга сарфланган харажатларга капиталга $MC+ IX$ нисбати $P^1 = \Phi / MC + IX \times 100\%$ формуласи билан аникланади деб кўрсатиш мумкин. Бунда P^1 - фойда нормасини MC моддий сарфларни IX эса ишчиларга берилган иш ҳақини ифода этади. Солиқлар бунга кирмайди. Ҳар бир тадбиркор қандай бўлмасин авансланган капиталга ёки қилинган харажатга нисбатан олинган фойда миқдорини оширишга интилади. Улар меҳнат шароитларидан уриб қолиш каби йўллар билан ҳам фойдани оширадilar. Лекин жамият учун бундай йўллар билан фойдаларни ошириш мақсадга мувофиқ эмас.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги кўп қиррали масала бўлиб, буни тўла равишда ҳар томонлама ифодалаб бўлмайди, унда қатнашган омилларни унумдорлигини, улардан самарали фойдаланиш даражасини билдирадиган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Улардан бири меҳнат унумдорлигидир. Меҳнат унумдорлиги деб ишчи кучининг вақт бирлиги мобайнида маҳсулот яратиш қобилиятига айтилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг /истеъмом кийматининг/ сарфланган меҳнат миқдорида нисбати билан белгиланади. Сарфланган меҳнат миқдори эса ишланган вақт билан, киши кучи, киши соати ва ҳ.к. билан белгиланади. Агар меҳнат унумдорлигини MU /, маҳсулотни M / билан, сарфланган иш вақтини эса V / билан белгиласак, меҳнат унумдорлиги қуйидагича аникланади.

$MU = M/V$ Меҳнат унумдорлиги сарфланган жонли меҳнатнинг ҳар бир бирлиги эвазига яъни киши кучи, киши соати ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аникланади.

Самарадорликни аниқлашда иккинчи омил капитал унумдорлиги деган кўрсаткичдан фойдаланилади ва унда ишлаб чиқаришда қатнашган капиталнинг ҳар бир бирлиги эвазига олинган маҳсулот, даромад ёки фойда билан аникланади. Агар капитал унумдорлигини KU / деб, ишлаб чиқаришда қатнашган капитал миқдорини K /, маҳсулотни M /, яппи

даромадни YD / билан, фойдани Φ / билан белгиласак қуйидаги формулалар ҳосил бўлади:

$$KU = M/K ;$$

$$\Phi U = YD/K ;$$

$$\Phi U = \Phi/K ;$$

Ишлаб чиқаришнинг учинчи муҳим омили ердан фойдаланиш самарадорлиги ҳам ернинг тупроқ унумдорлиги деб аталади ва ернинг ҳар бир бирлигидан олинган маҳсулот билан ўлчанади. Бунда олинган маҳсулот ҳажмининг ер майдонига (гектарга) нисбати билан ўлчанади.

Самарадорликни аниқлашда бу кўрсаткичлардан ташқари меҳнат сигими, материал сигими, энергия сигими деган кўрсаткичлар ҳам қўлланилиб, улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигини яратиш учун кетган, ёки ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат, энергия ва моддий ашёлар миқдорини ифодалайди.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири ишлаб чиқаришда қатнашган турли омиллар самарадорлигини ифодалаб, бир-бири билан қамбарқарс боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун унга таъсир қиладиган омилларни билиш зарурдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

1. Илмий-техник таракқиётни тезлаштириш ва унинг натижаларини тезлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш;

2. Ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;

3. Иктисодиётнинг таркибий қисмларини ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш;

4. Ишлаб чиқарувчиларни қизиқтириш ва уларнинг фаоллигини ошириш;

5. Мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хомашё ва энергия турларини, экинларнинг янги ҳосилдор навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини топиб ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

6. Кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассислар тайёрлаш.

Бу санаб кўрсатилган омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун таъсир қиладиган асосий ва бутун иктисоднинг барча соҳалари учун умумий омиллардир.

Фан-техника тараккиёти фан соҳасидаги ишлаб чиқариш куроллари, технология, бошқариш ва бошқа кўпгина ўзгаришларни ўз ичига олади. Хозирги даврда фан-техника тез суръатлар билан тараккий килмокда ва у илгариги техника тараккиётига караганда бирмунча афзалликларга эгадир.

Унинг хозирги даврдаги фан-техника тараккиёти афзаллиги шундаки, илгор мамлакатларда фан янгиликлари тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий килинади, бинобарин фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боради.

Хозирги даврдаги ишлаб чиқаришнинг техник базасини мустахкамлаш электроника, радиоэлектроника, телемеханика, атом энергияси, химия ва бошқа фанларнинг эришган ютуклари билан бевосита богликдир.

Давлатнинг инвестиция сиёсати ресурсларни фан-техника тараккиётининг илгор соҳалари бўлган авиация, машинасозлик саноатини, информатика, электроника, атом энергетикаси, ишлаб чиқариш соҳаларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва буларга ишлов бериш технологияси сингари муҳим йўналишларига жалб килишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам фан-техника тараккиётининг эволюцион ва революцион шакллари фаркларок лозим. Фан-техника тараккиётининг эволюцион шаклда ривожланиши деганда, унинг мавжуд технологияси асосида, машиналар ва ускуналар қисман модернизациялаш асосида ривожланиши тушунилади.

Революцион шаклда ривожланиши деганда эса, техниканинг энг сўнгги авлодларини кўллаш, принципаал янги технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан-техника тараккиётининг кейинги шаклда ривожланиши юксак самара беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов ўзининг нутк ва асарларида иктисоднинг барча тармоқларини хозирги замон фан ва техникасининг энг янги ютуклари билан қайта куроллантириш лозимлигини таъкидламокда. Бунинг учун аввалом бор техника тараккиётининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини янги, унумдор, арзон техника билан куроллантирувчи машинасозликни ривожлантиришга эътиборни қаратмок лозимдир.

Асосий таянч тушунчалар.

Эхтиёж, иктисодий эхтиёж, аҳоли эхтиёжи, корхона эхтиёжи, давлат эхтиёжи

иктисодий ресурс, капитал, ер, ишчи кучи, тадбиркорлик лаёқати, иктисодиёт фаолият, ишлаб чиқариш жараёни, моддий ишлаб чиқариш, номоддий ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш омиллари, вактни тежаш қонуни, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш функцияси, унумдорликнинг пасайиб бориш қонуни, харажатларнинг ўсиб бориш қонуни, ишлаб чиқариш самарадорлиги.

Назорат саволлари.

1. Эхтиёж ва уни қондириш воситаси хусусида нималарни биласиз..
2. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат.
3. Капиталга тариф беринг ва унинг таркибига нималар қиришини тушунтириб беринг.
4. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмунини ва унинг икки томонини тушунтиринг.
5. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва провард натижаларини тушунтириб беринг.
6. Йиллик миллий махсулотнинг таркиби нималардан иборат.
7. Зарурий ва қўшимча махсулот нима, қўшимча махсулот нормаси ва массаси формуласини ёзиб тушунтиринг.
8. Ишлаб чиқариш самарадорлиги нима ва у қандай аниқланади.
9. Меҳнат унумдорлиги нима ва уни аниқлаш йўлини тушунтиринг.
10. Қўшилган меҳнат ва капитал унумдорлигининг пасайиб бориш қонунини тушунтиринг.

Топшириқлар.

Қуйидаги жумлаларда тушириб қолдирилган сўзларни ўрнига қўйиб, тўғри жавоб топганингизни текшириб қўринг:

- а) Қишилларнинг эхтиёжи 3 хил бўлади:
- б) Ишбилармонлик қобилятиресурсларига қиради.
- в) Ер ости бойликлари ресурс ҳисобланади.
- г) айирбошлаш икки шаклда юз беради, бири, иккинчиси..... дир.
- д) меҳнатнинг самарасини унинг билдиради.

Фойдаланилган адабиётлар.

9. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» Т. Ўзбекистон 1992 йил.
10. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида» Т. Ўзбекистон 1995 йил.
11. И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз» Т., «Ўзбекистон».
12. И.А.Каримов «Хозирги босқичда демократик ислохотлари чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» Президент маърузаси, "Халқ сўзи" 30.08.96.
13. Макконелл К, Брю С. «Экономика», т. I, ч. III предмет и метод.
14. «Экономика», т. I, изд. "Республика", 1992 г. С.18-25
15. Ўлмасов А. Шарифхўжаев М. «Иқтисодий назарияси» (Дарслик) «Меҳнат», 1995 й. 7-15, 17-35, 416-425 бетлар.
16. Борисов Б.Ф. «Экономическая теория». М.Общество «Знание» России, 1996 й.гл.1.
17. Кодиров А.А. «Иқтисод назарияси», Т.1998 й.1-боб.

МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР.

Режа:

1. **Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. Мулк объектлари ва субъектлари.**
2. **Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни.**
3. **Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари, мақсади ва усуллари.**
4. **Ижтимоий тараққиёт босқичлари ва иқтисодий тизимлар, уларни билишга бўлган турлича ёндашувлар.**

Ишлаб чиқариш ҳар доим маълум мулкчилик ва иқтисодий тизимларнинг аниқ шакли доирасида содир бўлади. Шунинг учун бу ерда мулкчилик муносабатларининг моҳияти, мулк шакллари ва иқтисодий мазмуни ва бозор иқтисодиёти шакллантириш жараёнида мулк шакллари ва ўзгартириш йўллари ва усуллари каби масалаларга алоҳида ўрин ажратилади.

Бу бобда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва технологик усуллари ҳамда иқтисодий формация тушунчаларини қараб чиқиш билан бошланади. Таҳлил давомида иқтисодий тизим моделлари ва уларнинг хусусиятлари кўрсатиб берилади.

1. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий моҳияти.

Мулк объектлари ва субъектлари.

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий тизимининг асосий муносабатларидан бирини ташкил қилиб, инсоният иқтисодий тараққиётининг маҳсули ҳисобланади.

Мулкчилик муносабатлари моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда жамият бойликлари ўзлаштириш жараёнида вужудга келади.

Шундай экан, мулкчилик муносабатлари - бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Мулкка эгалик қилиш мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақлаиб туришини билдиради ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ифода қилади. Айрим ҳолларда мулкка эгалик қилиш унинг эгаси ихтиёрида сақланган ҳолда, ундан амалда фойдаланиш эса бошқалар қўлида бўлади. Бунга ижарага берилган мол-мулкни мисол қилиб келтириш мумкин. Мулкдан фойдаланиш - бу мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилишидир. Мол-мулкдан фойдаланиш юз берганда у даромад олиш учун ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилишини билдиради. Мулкни тасарруф этиш - бу мол-мулк тақдирининг мураккаб хал қилинишидир. У мол-мулкни сотиш, мерос қондириш, ҳадя қилиш, ижарага бериш каби ҳоллар орқали бўлиб беради.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунини унинг ажралмас уч жиҳати (эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш) белгилаб беради, бу муносабатлар характери нафакат алоҳида мулк шаклларида балки битта мулк шакли доирасида ҳам фарқланиши мумкин.

Мулкчилик жамиятдаги ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий муносабатлар мазмунини ўзида ифода қилади. Мулкчиликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади, шу сабабли мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш воситаларига маълум ҳуқуқий эғалик қилмасдан, ҳеч қим ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмайди, ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шу сабабли мулкчиликнинг ҳуқуқий нормалари /эғалик қилиш, тасарруф қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи/ иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган қўриниши ҳисобланади.

Ҳуқуқий нормалар, бир томондан, айнан мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда вужудга келса, бошқа томондан у товар ишлаб чиқариш шароитида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришда гоёат муҳим роль ўйнайди. Бу роль шунда қўринадики, товар хўжалиги шароитида айрим ижтимоий қатламлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмасдан, айирбошлаш муносабатларида иштирок этиб (масалан, савдо воситачилари) мулкдорга айланиш имконияти пайдо бўлади.

Мулкчиликнинг ҳуқуқий нормалари, биринчидан, ишлаб чиқариш воситалари ва яратилган моддий неъматларнинг муайян шахсларга (ҳуқуқий ёки жисмоний) тегишли эканлигини, иккинчидан, мулк эгаларининг қонун билан қўрикланадиган ваколатларини ва низо, учинчидан мол-мулкни ҳимоя қилиш усулларини белгилаб беради.

Мулкчилик муносабатлари, унинг объектлари ва субъектлари бўлишини шарт қилиб қўяди. Мулкка айланган барча бойлик турлари мулкчилик объектларидир. Мулк объекти бўлиб, инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсули, инсоннинг меҳнат қилиши қобиляти - ишчи кучи ва бошқалар ҳисобланади. Мулк объектида асосий бўгин - бу ишлаб чиқариш воситаларига эғалик қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш воситалари қимматлари бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам унга тегишли бўлади.

Реал ҳаётда ишлаб чиқариш воситаларининг умумлаштириш даражаси турли хил, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши турли даражада ва турли шаклларда амалга оширилади. Шунга мос равишда мулк субъектлари вужудга келади. Мулк субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқега эга бўлган, мулк объектлари ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкчилик муносабатлар иштирокчилари бўлиб, улар жамоа, синф, табақа ёки бошқа ижтимоий гуруҳларга бириктирилган бўлади. Айрим кишилар, оилалар ва давлат ҳам мулкчилик субъекти бўлиб чиқади.

Мулкнинг тузилиши ва шакли хилма-хиллиги сабабли, бу мулкни ўзлаштирувчи юқорида қўрсатилган субъектлар ҳам турли даражада

бўлади. Масалан, давлат мулкнинг бевосита субъектлари республика ҳокимияти ва бошқарув органлари, давлат қорхоналари ва муассасалари ҳамда уларнинг меҳнат жамоалари аъзолари бўлиши мумкин.

Жамоа мулк субъектлари /тасарруф этувчилар/ сифатида жамоа қорхоналари, кооперативлар, хўжалик жамияти ва ширкатлари, акционерлик жамиятлари, хўжалик бириктирилган /уюшмалари/, жамоат ва диний ташкилотлар бўлиши мумкин.

Аралаш мулк, яъни ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг мулк ҳам мавжуд бўлиши сабабли, бу мулк субъектлари сифатида қўшма қорхоналар, хорижий фуқаролар, хорижий ташкилотлар ва хорижий давлатлар чиқади.

Шундай қилиб, мулк субъектлари қўп даражали бўлиб, шу субъектлардан биронтаси ўзини мулк эгаси сифатида юзага чиқара олмаса, унда мулкчилик муносабатлари расмий, юзаки тус олади ва баъзан йўқолади.

2. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни.

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шаклларининг хилма-хил бўлишини талаб қилади, чунки товар муайян мулк объекти бўлгандагина олди-сотди қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади” - деб таъкидланади.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида бу мулк ўз ичига давлат мулкидан ташқари, ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш ва матлубот соҳаларидаги жамоа мулкнинг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкни, уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда яққа тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнатқашларнинг шахсий мулкни, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк шакллари ва /хусусий мулкларни/ шаклини олади.

Шу сабабли “Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги” қонунида мулкнинг турли-туман шакллари қуйидаги мулк шаклларига қиратилади: давлат мулк, жамоа мулк, хусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк.

Мулкчилик турли шаклларининг мавжуд бўлиши ва уларнинг иқтисодий мезони, аввало, ишлаб чиқарувчи қучларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг умумлашуви даражаси билан боғлиқ. Шу билан бирга мулкчилик шакллари ишлаб чиқарувчи қучларнинг ҳолати,

ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ташкилий-иқтисодий муносабатларининг етуқлик даражаси билан мос келиши зарур. (1-чизмага қаранг.)

ДАВЛАТ МУЛКИ - Мулк давлатга тегишли бўлганда мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш давлат ихтиёрида бўлади. Давлат мулки асосан икки йўл билан ҳосил бўлади:

1. Хусусий мол-мулкни миллийлаштириб, давлат қўлига олиш;

1- чизма. Мулкнинг асосий шакллари ва турлари

2. Давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш, давлатга қарашли корхона ва ташкилотларда инвестицияни амалга ошириш йўли билан.

Давлат мулки ҳақиқатда ҳам халққа қарашли бўлган, бўлинмайдиган ёки умумий ресурслардан фойдаланиш учун жуда мосдир. Бунга мисол қилиб такрор ишлаб чиқариб бўлмайдиган табиий ресурсларни, йирик иншоотлар ва транспорт воситалари, йўллар каби иқтисодий инфраструктуранинг каттагина қисмини қўрсатиш мумкин.


Ўзбекистонда Фуқаролик Кодексига мувофиқ давлат мулки Республика мулкидан ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал) иборат бўлади. Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, республика ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари мол-мулки, давлатга қарашли маданий ва тарихий бойликлар, бюджет маблағлари, олтин захираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари республика мулки ҳисобланади. Ундан ташқари самолётсозлик, машинасозлик ва бошқа йирик корхоналар, Кон Саноати ва бошқа иншоотларнинг асосий қисми давлат ихтиёридадир.

Маъмурий-ҳудудий тузилмалар (муниципал) мулкида давлат ҳокимияти маҳаллий органлари мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиғи корхоналари ва бошқа мулкӣ мажмуалар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари қабилар мол-мулки бўлади.

Жамоа мулки - муайян мақсад йўлида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжихатлик билан ўзлаштиришни билдиради. Жамоа мулки давлат мулкини корхона жамоаси сотиб олиши, бадал тўлаб корхона қуриши, акция чиқариб, уларни сотиш каби йўллар орқали пайдо бўлди. Жамоа мулкининг муҳим

хусусияти шундаки, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулига айрим шахслар эмас, балки маълум гуруҳ, кишилар эгаллик қилади.

Жамоа мулкига - кооперативларнинг, ижра ва жамоа корхоналарининг, акционерлар жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, жамоа ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг мулки



киради.

Кооперативлар мулкнинг асосий белгиси ишлаб чиқариш воситалари ва унинг натижалари ўзлаштиришнинг жамоа-гуруҳ хусусиятидир. Мулкчиликнинг бу турида ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши муайян меҳнат жамоаси доирасида бўй беради. Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш мулк эгаси бўлмиш меҳнат жамоаси доирасида амалга оширилади, ҳамда жамоа ва шахсий иктисодий манфаатларнинг муштарақлиги вужудга келади.

Кооператив фаолият учта асосий турга ажралади: ишлаб чиқариш, матлубот ва аралаш кооперативлар.

Ишлаб чиқариш кооперативлари ўз аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Шахарларда аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талабини яхшироқ қондириш мақсадида давлат қорхоналари ва ташкилотлари унинг тасарруфидан чиқарилиб турли хил матлубот кооперациялари вужудга келмоқда. Матлубот кооперациясининг мулки мулкчиликнинг давлат ва бошқа шаклларида келиб чиқади. Мулкчиликнинг бу шакли фаолиятида унинг аъзолари ўз меҳнати билан иштирок этиши шарт эмас. Шахсий мулк. Мулк шакллари ичида кишиларнинг шахсий мулки муҳим ўрин тутди. Шахсий мулк бу фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг шахсий ёки оилавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Бу мулк шакли асосан шахснинг ёки унинг оила аъзоларининг меҳнати асосида қўпаяди ва ривож топади.

Фуқаронинг шахсий мулки асосан уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан тушган меҳнат даромадлари ҳисобига вужудга келади ва қўпаяди. Бозор иктисодиёти шароитида шахсий мулк акциядан келадиган дивиденд, банк фоизлари, хусусий соҳибкорлик даромади каби янги манбааларга асосланади.

Шахсий мулк объектлари - бу турар жойлар, бог-ховли ва уйлар, транспорт воситалари, пул жамғармалари, уй-рўзгор ва шахсий истеъмол буюмлари, яқка тартибда ва бошқа хўжалик фаолияти учун керакли ишлаб чиқариш воситалари, уларда ҳосил қилинган маҳсулот ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хусусий мулк - айрим соҳибкорларга қарашли ёлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир.

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунида (7- модда), хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир деб қўрсатилган. Шу билан бирга хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги таъкидланади.

Ўзбекистонда бозор иктисодиётига ўтиш даврида мулкчиликнинг турли хил шакллари вужудга келтириш асосий мақсад эмас. Бу фақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, ташаббускорлик ва соғлом рақобатни вужудга келтириш учун қулай муҳит яратишга қаратилгандир.

3. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари, мақсади ва усуллари.

Бозор муносабатларида ўтишнинг асосий шарт қўп укладли иктисодиётни ва рақобатлашувчи муҳитни шакллантириш учун шарт-шароитини вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосийси мулкчилик масаласини ҳал қилишдир. Шу сабабли республикаимиз Президенти И.А. Каримов мулкчилик масаласини ҳал қилишни “..... бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади”¹ деб алоҳида таъкидлаб қўрсатади. Узок йиллар мобайнида республикаимиз иктисодида умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлатлаштирилган мулк тўлиқ ҳуқуқронлик қилиб келди. Назария ва амалиётда умумхалқ мулки деб ҳисобланган мулк субъекти сифатида давлатнинг чиқиши жамият аъзолари ўртасида бу мулкга “ҳеч қимники”, “давлатники”, “биронинг мулки” деб қарашларининг шаклланишига олиб келди.

Бозор иктисодиётини вужудга келтириш вазифаси ўтиш даврида мулкчиликда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бу

мулкнинг маълум қисмини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни тақозо қилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча. Хусусийлаштиришни давлат мулкига эгалик ҳуқуқини давлатдан хусусий

¹ . Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т.3-Т: Ўзбекистон, 1996. 202 бет.

шахсларга ўтишидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтиришни ҳам кўзда тутлади. У бир қатор йўллар билан амалга оширилади: давлат қорхоналарини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш, давлат қорхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш; мулкни қийматга қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш; мулкни айрим тадбиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш; айрим давлат қорхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш; давлат мол-мулкни аукционларда қим ошди савдоси орқали сотиш ва ҳ.к.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкчиликнинг ривожланишига тўқинлик қилаётган давлатнинг монопол ҳукмронлигига чек қўйиб, жамиятда фаоллик кўрсатаётган эркин тадбиркорлик ташаббусига қенг йўл ва имкониятлар очиб беришдан иборат.

Хусусийлаштириш аввало давлат мулкни инвентаризация этишдан, яъни ҳисоб-китоб қилиб, унинг ҳақиқий қиймати миқдорини аниқлашдан бошланади. Шундан кейин хусусийлаштириш учун ажратилган давлат мол-мулкнинг рўйхати тузилади, давлат мулкни сотиб олиш шарт-шароити аниқланади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди ва давлат мулки монополизмини тугатиш ҳамда бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига қўп укладли иқтисодиётни реал шакллантириш вазифаси қўйилди. Аввало мулкчиликнинг турли хил шакллари қарор топиши учун тенг ҳуқуқий нормалар ва амал қилиш механизмлари яратилди¹.

Республика иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг учинчи босқичига кирди. Бу босқич яқунловчи характерга эга бўлиб, бу даврда хусусийлаштирилмайдиган объектлар рўйхатига қирмаган барча объект ва қорхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди.

Республикада давлат мулкни хусусийлаштиришнинг ўзига хос бошқа жиҳатлари Президентимиз И.А. Қаримов томонидан баён қилинган

иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий қоидаларидан қилиб чиқади. Булар қуйидагилар:

а) давлат мулкни хусусийлаштириш республикада амалга ошириладиган ислохотларнинг ички мантиқига бўйсиндирилади ва уларнинг асосини ташкил қилади;

б) мулкни хусусийлаштириш қараёни давлат томонидан бошқарилади;

в) хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлашда қонунларга риоя этилади.

Ҳиссадорлик жамиятлари ихтиёридаги воситалар ва маблағлар турли мулкдорларнинг шерикчилик асосида маълум гуруҳларга бирлашиб бойликни индивидуал тарзда ўзлаштирилиши тушунилади. Бу қорхона ҳиссадорликка таяниб, мулкдор ўзининг мулкни пай сифатида умумий ишга қўяди ва даромаддан қўшилган улушига қараб тегишли қисмини ўзлаштиради. Мазкур мулк шакли ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятида қўринади.

Турли шаклдаги мулкларнинг бириқиб қетиши натижасида аралаш мулк пайдо бўлади. Бу мулк алоҳида олинган объектнинг турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради.

Республикада хусусийлаштириш бўйича қўйилган вазифа, давлат сектори бозор шароитида ҳам сезиларли роль ўйнаши инкор қилмайди. Чунки иқтисодиётнинг давлат қорхоналари сақланиб қолиши қарам бўлган соҳалар ҳам мавжуд. Бундай қорхоналар учун уларнинг бозор шароитларига тарқибан мослашувига имкон берадиган ҳўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

4. Ижтимоий тараккиёт босқичлари ва иқтисодий тизимлар, уларни билишга бўлган турлича ёндашувлар.

Инсоният тараккиёти босқичлари ва ҳар бир босқичга хос бўлган иқтисодий тизимларни ўрганиш иқтисодий қараёнларни, уларни ўзгарувчан эканлигини билишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тараккиёт босқичларини билишда турли хил ёндошувлар бўлиб, улар маданийлашиш (цивилизацион) қаражаси жиҳатдан, техника ва технологик тараккиёт қаражаси ва социал-иқтисодий шакллар ўзгариши жиҳатдан қарашлар мавжуддир.

Ижтимоий тараккиёт босқичларини билишга турли ёндошувлардан бири формацион ёндошув бўлиб, унда ишлаб чиқаришнинг ижтимоий усуллари ва унинг тарқибий қисмларини таҳлил

¹ Иқтисодий ислохотларни қуқуқлаштириш қора-тадбирлари (1994 й. 21 январь) ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги (1994 йил 16 март) қармонлар.

килишга эътибор берилган. Ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш (иктисодий) муносабатларининг бирлигидан иборат.

Ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари, яъни ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари биргаликда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил қилади. Бошқача айтганда ишлаб чиқарувчи кучлар - бу ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар билан табиат ўртасидаги боғланишни амалга оширувчи шахсий ва техник-буюмлашган элементлар тизимидан иборат. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ижтимоий тараккиётнинг энг муҳим мезони ва умумий кўрсаткичидир.

Ишлаб чиқариш ҳар доим муайян ижтимоий шаклга эга бўлади. Бу ижтимоий шакл ижтимоий-иктисодий муносабатларни вужудга келтиради, уларнинг моҳияти ва асосини ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабатлари ташкил этади.

Ижтимоий-иктисодий муносабатлар - бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлардир. Улар такрор ишлаб чиқариш муносабатлари ёки иктисодий муносабатлар деб ҳам аталади.

Қуйидаги чизмада ҳар икки ҳолатга эътибор бериш муҳим. Биринчидан, ишлаб чиқариш муносабатлари мустақил, алоҳида тизимни ташкил қилмайди. У ишлаб чиқарувчи кучлар билан ҳам, шунингдек усткурма билан ҳам ҳар доим ўзаро таъсирда бўлади. Иккинчидан, турли формацияларда ўзига хос ишлаб чиқариш муносабатлари амал қилади ва бу эса ҳар бир формацияга мос келувчи ишлаб чиқариш усулини белгилаб беради.

Жамият тараккиёти босқичларига технологик ёндошув ҳам маълум бир оқим ҳисобланади.

Улар жамият тарихий тараккиёти давомида рўй бераётган ўзгаришлар қўлами ва характери яхшироқ тушуниб олиш учун ишлаб чиқаришнинг турли технологик усуллари таҳлил этиш, машиналашган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихига мурожаат қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Мехнат воситалари, материаллар, технология, энергия, ахборотлар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик усули дейилади.

Улар ўртасидаги чегараларни жамият тараккиёти тарихининг йирик босқичлари ажратиб туради. Бир технологик ишлаб чиқариш усулидан бошқасига ўтиш асосан меҳнат воситаларининг характеридаги ўзгаришлар, фан ва техника тараккиёти билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш технологик усуллариининг дастлабки ўрта босқичлари алоҳида фаркланади. Булар оддий кооперация, мануфактура ва машиналашган ишлаб чиқариш. Оддий кооперация - бу бир хил ишни ёки хизмат вазифасини бажарувчи ходимларнинг энг оддий шаклидаги уюштириш, биргаликда маълум тартиб асосида ишлайдиган кишилар, аниқроғи қосиблар гуруҳидир.

Машиналашган ишлаб чиқаришга олиб боровчи йўлда мануфактура, яъни меҳнат тақсими асосланган, лекин машина хали мавжуд бўлмаган шароитдаги кооперация муҳим роль ўйнайди. Мануфактура даврида ишлаб чиқаришнинг умумлашув жараёни давом этади. Яппи ишчи таркиб топади, ҳар бир айрим ходим эса жами ишчи кучининг таркибий қисмига айланади. Бунда оддий кооперациядагидек қўл меҳнатига ва қўл меҳнатига асосланган қуролга таянади. Қўл меҳнатига асосланган қуроллар мануфактура шароитида такомиллаштиришнинг энг юқори даражасига этади.

Мануфактура ихтисослаштирилган қурол ва асбоблар вужудга келтириб ҳамда ишчини тор операцияларни бажаришга боғлаб, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш учун зарур шарт-шароит тайёрлайди. Бу даврда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнатнинг мазмуни ва характерида, ишлаб чиқаришнинг бутун технологик усулида, иктисодий муносабатларда ва бутун ижтимоий ҳаётда ҳам туб ўзгаришлар рўй беради. ХУШ асрнинг сўнгги 30 йили ичида бошланган саноат революцияси натижасида йирик машиналашган ишлаб чиқариш вужудга келди.

Бу ўзгаришлар икки асосий йўналишдан бормокда. Бир томондан, илгари мустақил бўлган машиналар тизимининг технологик жараёнлар билан боғловчи жуда катта уюшмалар /бирлашмалар/ вужудга келмокда. Бундай асосда янги ташкилий тузилма-комбинатлар, концернлар, транснационал корпорациялар вужудга келмокда. Иккинчи томондан, ишлаб чиқаришда, хизмат кўрсатиш соҳасида, илмий фаолиятда унча катта бўлмаган тузилмалар ривожланмокда.

Фан-техника, технология ва ахборот тизимидаги ўзгаришларга қараб қўпинча олимлар, масалан, Р.Арон, Дж. Голбрейт, У.Росток ва бошқалар жамият тараккиёти босқичларини уч босқичга:

индустрлашгангунгача бўлган жамият, индустрлашган жамият, юкори индустрлашган ёки ахборотлашган жамиятларга бўлиб ўрганишни тавсия этадилар.

Жамият тараккиётининг иккинчи муҳим босқичи индустрлашган жамиятнинг асосий белгилари деб; а) ишлаб чиқаришнинг машиналашганлиги; б) саноатнинг фан-техника ютуқлари асосида ривожланиши, унда ишчилар сонининг кўпайиши; в) шаҳар аҳолисининг кишлоқ аҳолисига қараганда кўпайиши ва бошқалар.

Тараккиётнинг учунчи муҳим босқичи юкори даражада индустрлашган жамиятнинг асосий белгилари деб; а) хизмат кўрсатиш соҳасининг юксак даражада ривожланиши; б) аҳолининг асосий қисми 60-70 % шу соҳада банд бўлиши; в) фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи қучга айлантириши, фан ходимларининг ва малакали мутахассислар ролининг ошиши; г) иктисодиётнинг ҳамма соҳаларида ва қўлқилиш ҳаётда ахборот ва ҳисоблаш техникаларининг кенг қўлланилиши; д) товар хизматлар сифатига путур етказмасдан иктисодий ресурсларнинг ҳамма турларини тежаш имконини берадиган янги техника ва технологияларнинг кенг қўлланилиши ва бошқалар.

Хар бир даврда ва маконда амал қилаётган иктисодий муносабатлар мажмуаси - иктисодиётни ташкил қилиш шакллари, ҳўжалик механизми ва иктисодий муассасалар билан биргаликда иктисодий тизимни ташкил қилади.

Иктисодий назарияда қўпинча иктисодий тизим тушунчасини ишлаб чиқарувчи қучларнинг ривожланиш даражаси билан боғлаб турқумлашга ҳаракат қилинади. Шу асосда дунёдаги ривожланган мамлакатлар асосан иккита белги бўйича бир-биридан фарқланади: 1) Ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакллари; 2) Иктисодий фаолиятни бошқариш ва уйғунлаштириш усуллари бўйича. Бу белгилар асосида иктисодий жтхатдан ривожланиши турлича бўлган мамлакатлар иктисодий тизимининг 3та нусхасига қиритилади: Анъанавий иктисодиёт, маъмурий буйруқбозлик иктисодиёти ва бозор иктисодиёти тизимлари.

Анъанавий иктисодиёт - деярли ҳамма мамлакатлар босиб ўтган тарихий тизимдир. У ҳозирги даврда ҳам қўплаб иктисодий жихатдан кам ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларда урф-одатлар, удумларга, анъаналарга асосланган иктисодий жараёнларга амал қилади. Уларда натурал ёки майда товар ҳўжалиги ҳукмрон бўлади. Бу ерда ишлаб чиқариш, айирбошлаш, даромадларни тақсимлаш вақти-вақти билан ўрнатиладиган урф-одатларга асосланади.

Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иктисодиёт. Соф бозор иктисодиётига қарама-қарши тизим, маъмурий-буйруқбозли иктисодиёт ҳисобланади. Бу тизим амалда барча моддий ресурсларга ижтимоий аниқроғи давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги ва маъмурий органлар томонидан иктисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши билан ҳарактерланади. Фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг тарқиб ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш қабиларга тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқариш органлари томонидан қабул қилинади.

Иктисодий тараккиётда муҳим босқич ҳисобланган тизим Бозор иктисодиёти тизимидир.

Бозор иктисодиёти тизими асосан икки босқичга эгадир. Биринчиси эркин рақобатга асосланган классик бозор иктисодиётидир. Иккинчиси эса ҳозирги замон ривожланган бозор иктисодиётидир. Эркин рақобатга асосан бозор иктисодиёти ресурсларга ҳусусий мулкчилик, иктисодий фаолиятда ва тадбирқорликда эркинлик, иктисодий жараёнларни тартиблашда ва уйғунлаштиришда бозор механизмдан фойдаланиш билан ҳарактерланади. Бундай тизимда унинг ҳам бир қатнашқисининг ҳулқ атори шахсий манфаатига асосланади, ҳар бир иктисодий бирлик, алоҳида қабул қилинган қарорлар асосида, ўзларининг даромадларини энг юкори даражада етқизишга интилади. Бозор тизими ёрдамида алоҳида қабул қилинган қарорлар уйғунлаштирилади. Рақобат шароитида товарлар /хизматларнинг/ ишлаб чиқарилиши, ресурсларнинг тақлиф қилиниши шуни билдирадики, ҳар бир маҳсулот ва ресурсларнинг қўплаб мустақил ҳаракат қилувчи қаридор ва сотувчилари мавжуд бўлади. Бу ерда иктисодий жараёнларга давлатнинг аралашуви чекланган ҳарактерга эга бўлади. Шу сабабли давлатнинг роли, ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш ва эркин бозорнинг амал қилиниши енгилаштирувчи ишонч

ли ҳуқуқий тартиблар ўрнатишдан иборатдир.

Асосий таянч тушунчалар.

Ижтимоий –иктисодий формация, ишлаб чиқариш усули, меҳнат воситалари, меҳнат предметлари, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқарувчи қучлар, мулкчилик муносабатлар, ўзлаштириш, эғалик қилиш,

фойдаланиш, тасарруф килиш, давлат мулки, хусусий мулк, жамоа мулки, аралаш мулк, миллийлаштириш, хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чикариш.

Назорат саволлари.

1. Мулкчиликнинг моҳияти ва унинг иктисодий мазмунини тушунтиринг.
2. Мулкчиликнинг иктисодий ва ҳукукий мазмунини таърифланг.
3. Мулкчилик объекти ва субъекти ҳақида тушунча.
4. Хусусийлаштиришнинг қандай усуллари биласиз?
5. Ишлаб чиқариш усули ва иктисодий формациянинг усткурма, ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва ташкилий-иктисодий муносабатлар ҳамда ишлаб чиқарувчи қучлар билан боғлиқлиги қандай?

Топшириқлар.

1. Сизга қачондир бир неча кишилар ўртасида предметлар, нарсаларни тақсимлашда иштирок этишга тўғри келган. Сиз тақсимлашни қандай амалга оширгансиз? Шахсий тажрибангизга қўра мулкнинг янги объектлари қандай яратилишини тушунтиринг.
2. Оила мулки нима? Сиз ўз оилангиз мулкига муносабатингизни изоҳлаб беринг.
3. Жамоа мулки нима? “Умумхалқ мулки – бу ҳаммага биргаликда ва ҳар кимга алоҳида тегишли мулкдир” деган тушунчани изоҳлаб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов «Ўзбекистон иктисодий ислохотлари чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз» Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси. 2000 йил 11 февралдаги мажлиси маърузаси.
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон иктисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида» Т., «Ўзбекистон», 1995 й.
3. И.А.Каримов «Хозирги босқичда демократик ислохотлари чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари». Олий Мажлис 6 сессиясида (29.08.1996 й) сўзлаган нутқи.
4. И.А.Каримов «Ўзбекистон 21 асрга интиломда» Т.1999 й.
5. Макконелл К, Брю С. «Экономика», т.1, ч. III предмет и метод.
6. «Ўлмасов А. Шарифхўжаев М. «Иктисодиёт назарияси» (Дарслик) «Мехнат», 1995 й. 7-15, 17-35, 416-425 бетлар.